O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

Куч—адолатда

АДОЛАТ

Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий газетаси

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган ✡ 2000 йил, 24 ноябрь ✡ Жума кунлари чиқади № 42 (277) ✡ Сотувда эркин нархда

● Бугунги кунда, йигирма биринчи аср бўсағасида, башарият мураккаб тараққиёт жараёнини бошдан кечираётган бир пайтда диний бағрикенглик, турли динларга мансуб халқлар ўртасидаги мулоқот ва амалий ҳамкорликни кучайтириш ниҳоятда долзарб аҳамият касб этмоқда.

Шу маънода, Имом Мотурудий бобомизнинг «Агар одамлар яхшилик йўлида бирлашса, Яратганимиз улардан ўз марҳаматини дариғ тутмайди», деган ҳикматли сўзларида бизнинг замонамиз учун ҳам ибратли сабоқлар бор, десак, хато бўлмайди.

Ислом КАРИМОВ.

ЕВРОПА БОЗОРИГА ЙЎЛ ЯНАДА КЕНГАЙДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 20-22 ноябрь кунлари расмий ташриф билан Италия Республикасида бўлди

Италия жаҳон сиёсати ва иқтисодиётида катта мавқеъга эга. У айни жиҳатлари билан қудратли бўлган давлатлар гуруҳи - «Катта еттилик»ка киришини эслатиб ўтиш кифоя. Бу мамлакат БМТ, Европа Иттифоқи (ЕИ), НАТО, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотида ҳам улкан нуфузи бор.

Аввало, ташрифнинг сиёсий жиҳатига эътибор қаратсак. Ўзбекистон раҳбари расмий ташриф билан дунёнинг кўплаб мамлакатларига борган. Бироқ Италиядек нуфузли давлатга бундай сафар илк бор уюштирилди. Тўғри, 1996 йилда Ислом Каримов Флоренцияда бўлган эди. Бироқ бу ташриф ўша йили Италияда ўтказилган ЕИ кенгаши доирасида бўлиб ўтганди. Шундан сўнг давлатимиз раҳбари Римга бир неча бор отланган бўлса-да, бу ердаги ҳукуматнинг беқарорлиги сабабли сафарлар орқага сурилиб келаверди. Шундай эса-да, Флоренция сафари мамлакатларимиз ўртасида олий даражадаги учрашувларни бошлаб бергани билан тарихга кирди.

Суратда: расмий ташрифдан лавҳа. *Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.*

Ҳар бир давлат раҳбарининг иккинчи мамлакатга ташрифи улар ўртасидаги муносабатларга ҳуқуқий асос яратишга хизмат қилади. Шу жиҳатдан қараганда, Ислом Каримовнинг Италияга сафаридан кўзланган сиёсий мақсад икки жиҳати билан эътиборга молик. Биринчиси икки мамлакат ўртасидаги сиёсий муносабатларни янги босқичга кўтаришда кўринади. Юртбошимиз Италия президенти Карло Адзелио Чампи, ташқи ишлар вазири Ламберто Дини, парламентнинг юқори ва қуйи палаталари раҳбарлари билан музокаралар чоғида уларга Ўзбекистон юритаётган сиёсатнинг асл моҳиятини тушунтириб берди. Таъкидлаш жоиз, улар бу сиёсатни қўллаб-қувватлашини билдирди. Томонлар сиёсий ҳамкорлик ҳар икки давлатнинг манфаатларига хизмат қилишини таъкидлади.

Ташрифнинг иккинчи жиҳати Европа Иттифоқи ва қитъадаги бошқа йирик ташкилотлар билан ҳамкорликка узвий боғлиқ. Таъкидланганидек, Италиянинг сиёсий ва иқтисодий салоҳияти унинг Европада ўз сўзини айтишига имкон беради. Шу жиҳатдан мазкур мамлакат билан ҳамкорлик Ўзбекистонга кенг имкониятлар очиб беради. Давлатимиз раҳбари журналистларга берган интервьюсида айтганидек, Италия билан ҳар томонлама алоқаларни кенгайтириш Ўзбекистонни бутун Европа Иттифоқи билан янада яқинлаштиради.

Хўш, ЕИ билан муносабатларимизда Италия қандай ўрин тутиши мумкин? Ўзбекистон танлаган сиёсий ва иқтисодий йўл дунёда тўғри деб эътироф этилаётган бўлса-да, жаҳон, жумладан, Европа давлатлари бу йўлнинг моҳиятини кенг ва батафсил тушуниши учун ҳали талай ишлар қилиниши керак. Зеро, мамлакатимиздаги ўзгаришларни билиши, юртимизнинг имкониятларини англаб етиши уларни Ўзбекистонга жалб қилишда муҳим омил бўлади. Италиянинг халқаро майдондаги обрўси бу борада ўзига хос ўрин тутиши мумкин. Яъни, давлатимизнинг ЕИ билан муносабатларини янада мустаҳкамлашда Италиянинг сиёсий-иқтисодий нуфузидан фойдаланиш имкониятлари бор. Италия сафари чоғида бу вазифа муваффақиятли уддаланди, дейиш мумкин. Римда бўлиб ўтган учрашувлар давомида мазкур мамлакат раҳбарияти Ўзбекистон юритаётган сиёсатни тушунишга ҳаракат қилишини, унинг ЕИ сари интилишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга тайёр эканини билдирди.

Мазкур ташриф Ўзбекистоннинг ЕИ билан муносабатларини кенгайтиришда муҳимлигини битта мисолда кўриш мумкин. 2001 йилда Италия Европа Иттифоқига раисликни қабул қилиб олади. Ташрифнинг айни шу воқеа арафасида амалга оширилгани сафар учун жуда фойдали вақт танланганини кўрсатади. Зеро, машҳур ибора билан айтганда, энди «барча йўллар Римга олиб боради». Шу жиҳатдан олиб қараганда, бу ташриф орқали Ўзбекистон раҳбари «бир ўқ билан икки қўённи урди», дейиш мумкин. Яъни, биринчидан, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳар томонлама алоқаларни ривожлантириш учун залворли ҳуқуқий асос яратилган бўлса, иккинчидан, ЕИ билан муносабатларимизни кенгайтиришга янада кенг имконият пайдо бўлди.

Ўтган йили Ўзбекистон билан Италия ўртасидаги савдо-сотиқ ҳажми 120 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бунда Ўзбекистоннинг экспорти 45,4 миллион, импорти эса 74,5 миллион долларга тенг бўлди. Италия мамлакатимиз билан савдо-сотиқ ҳажми жиҳатдан ЕИ аъзолари орасида бешинчи ўринни (Буюк Британия, Германия, Белгия ва Франциядан кейин) эгаллади. Ўзбекистон бу давлатга пахта толаси, қора ва рангли металлар, нефт ва уни қайта ишлашдан олинадиган маҳсулотлар, газлама каби товарларни экспорт қилса, у ердан юртимизга технология, турли электр ва механика ускуналари, мебел ва бошқа товарлар олиб келинади.

Айни пайтда юртимизда ўнлаб Ўзбекистон-Италия қўшма корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Бу ўринда ишлаб чиқараётган маҳсулотлари нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам машҳур бўлган «ЎзПластИтал» қўшма корхонасини эслатиб ўтиш кифоя. Ҳамкорликдаги корхоналарнинг фаолияти спиртсиз ичимликлар, вино, тўқимачилик ва пардоз-андоз маҳсулотлари, халқ истеъмоли моллари, савдо ва пахта чиқиндисини қайта ишлаш каби соҳаларни қамраб олган.

Италиянинг «ФИАТ» концернига кирувчи корхоналар мамлакатимизнинг машинасозлик саноатига сармоя киритиб келяпти. Жумладан, Самарқанддаги «СамКочавто» қўшма корхонасини ташкил этишда қатнашган «Коч холдинг» компаниясининг 27 фоиз акцияси мазкур концерннинг «Ивеко» фирмасига тегишли. Шунингдек, юртимизда машҳур бўлган АҚШнинг «Кейс корпорейшн» ва Нидерландиянинг «Нью Ҳолланд» фирмалари бирлашувидан вужудга келган «Кейс-Нью Холланд» компанияси акцияларининг 71 фоизи «ФИАТ» ихтиёридадир.

Бугунги кунда Италиянинг «Алениия-Маркони системз», «Албаррело Федерико», «Леско СРЛ», «Текинт», «Де Нора», «СНИА-Вискоза», «АББ-Соими» каби фирма ва компаниялари Ўзбекистондаги корхоналар билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Юртимизда «Индутек С.п.а.» «Консорцио ИТАК», «Агро Индастриал Свисситал С.п.а. Аженд С.п.а.» ва «Соими Сосьета Импианки Индустриале С.п.а.» компанияларининг ваколатхоналари ишлаб турибди.

Айни пайтда Ўзбекистонда Италия билан ҳамкорликда умумий қиймати 120 миллион АҚШ долларига тенг бўлган 31 лойиҳа амалга оширилмоқда. Яна шунча қийматга эга бўлган 22 лойиҳа устида иш олиб бориляпти.

Хорижлик ишбилармонларни ўзига жалб қилишга бел боғлаган давлатда банк тизими яхши йўлга қўйилган бўлиши керак. Мамлакатимизда бу соҳадаги ишларнинг ёмон эмаслиги ҳам ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашда қўл келади. Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар миллий банки дунёнинг беш юзта энг нуфузли банки қаторидан жой олгани бунинг ёрқин бир мисоли. У Италиядаги 17 банк билан ҳам яқин алоқа ўрнатган. «Банка Карипло», «Банка ди Рома», «Банка Коммерчиале Италяно», «Банка Насионале дел Лаворо», «Сити банк» шулар жумласига киради. Италия сафарида бу ҳамкорлик янада мустаҳкамланди. Мамлакатимиз Миллий банки билан Италиянинг «Насионале дел Лаворо» банки ўртасида 10 миллион АҚШ доллари қийматига эга бўлган молиявий битим имзоланди.

Ўзбекистонда Италиянинг талай компания ва фирмалари фаолият кўрсатаётганига қарамай, икки ўртадаги савдо айланмаси ҳажмига назар ташласак, унинг имкониятларимиз даражасидан анча пастлиги кўринади. Ислом Каримовнинг Италияга ташрифидан кўзланган иккинчи асосий мақсад ана шу сусткашликка барҳам бериш, ўзаро иқтисодий алоқаларни юқори босқичга кўтариш эди. Шу сабабли сафар чоғида Италия ишбилармон доиралари вакиллари билан мулоқотларга кенг ўрин берилди.

Сўнгги олти-етти йил ичида Ўзбекистонга киритилган хорижий сармоя ҳажми тахминан 11 миллиард долларни ташкил этди. Жорий йилда бу кўрсаткич 1 миллиард 200 миллион доллар атрофида бўлиши мўлжалланган. Аммо мамлакатимизга сармоя ётқизишда Италиянинг улуши анча кам. Италиялик ишбилармонлар билан учрашувда давлатимиз раҳбари Ўзбекистонда ниҳоятда қулай сармоявий иқлим вужудга келтирилганини таъкидлар экан, уларни фаолроқ бўлишга даъват этди.

Ислом Каримов Италия сармоясининг Ўзбекистонга кириб келиши сустлигининг сабабларидан бири юртимизда ҳориж сармояси учун яратилган имтиёз ва қулайликларнинг етарли даражада тарғиб-ташвиқ қилинмаётганида, деб билишини айтди.

Давлатимиз раҳбари италиялик ишбилармонлар учун мамлакатимизда фаолият юритишда фойдали бўлган талай соҳаларни санаб ўтди. Улар сирасига ёнилғи-энергетика, ипакчилик, пахтани қайта ишлаш, қурилиш, кимё, улкан захирага эга бўлган ерости бойликларини ўзлаштириш каби тармоқлар киради.

Биргина пахтачиликни олиб кўрайлик. Ўзбекистон пахта сотиш бўйича дунёда етакчи ўринда туради. Бироқ замонавий технологиянинг киритилиши хомашёни юртимизнинг ўзида қайта ишлаб, тайёр маҳсулотга айлантириш, яъни тўқимачилик саноатини ривожлантиришни таъминлайди. Агар Италия бу соҳада дунёда етакчи ўринни эгаллашини назарда тутсак, ўзаро ҳамкорлик катта фойда келтириши аён бўлади. Нефт-газ қазиб олиш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашдан келадиган даромад ҳам кам эмас. Ўзбекистонда ҳар мавсумда қирқ фоизгача полиз-сабзавот маҳсулотлари ва мева-чева истеъмолчигача етиб бормайди. Исроф бўлади. Янги, замонавий технологияни жалб этиб, уларни ўз вақтида қайта ишлаб, савдога чиқаришни йўлга қўйиш нақадар фойдали бўлишини шу рақамлар ҳам кўрсатиб турибди.

Италия сайёҳлик соҳасида дунёда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Ҳар йили қадимий Рим, Венеция каби шаҳарларни томоша қилиш учун бу ерга миллионлаб сайёҳ ташриф буюради. Самарқанд, Бухоро, Хива, Қўқон каби кўп асрлик тарихга, бетакрор обидаларга эга шаҳарларимиз ҳам Италиядаги ёдгорликлардан асло қолишмайди. Президентимиз таъбири билан айтганда, бу шаҳарларимиз ғарбликларга Шарқ дунёсини очиб беради. Шу жиҳатдан олиб қаралганда, Римда «Ўзбектуризм» миллий компанияси билан Италия Туроператорлари уюшмаси ўртасида сайёҳлик соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланганги муҳим иш бўлди.

Икки мамлакатнинг иқтисодий ҳамкорлигида муҳим ўрин тутадиган талай омиллар мавжуд. Жумладан, Ўзбекистон Италия орқали Европа бозорига кириб боради. Италиянинг юртимиз билан алоқаларни мустаҳкамлаши эса унинг Ўрта Осиё ва Қозоғистонни бирлаштирган улкан ҳамда бой минтақада ўзи учун муҳим бозор очиш имкониятини беради. Италия ҳам Ғарбнинг тараққий этган давлатлари қаторида фақат ЕИ доираси билан чекланиб қолмай, узоқ ҳудудларда ўз истеъмол бозорини ташкил этишга уринаётган бир пайтда бу имконият жуда муҳим омил бўлади.

Италия президенти Карло Адзелио Чампи ва ташқи ишлар вазири Ламберто Дини сиёсий арбоб бўлиш билан бир қаторда, Ғарбда тан олинган етакчи иқтисодчилар ҳамдир. Шу сабабли Ислом Каримовнинг улар билан ўтказган музокараларида Ўзбекистонда иқтисодий ўзгаришларга атрофлича тўхталиб ўтилди. Улар мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотларга юқори баҳо берди.

Ислом Каримовнинг Ватиканда Рим папаси Иоанн Павел Иккинчи билан учрашуви Италия сафарининг муҳим қисми бўлди. Дунёда улкан обрўга эга бўлган католиклар раҳнамоси давлатимиз раҳбарини жуда самимий кутиб олди. Унинг, ибодатларимда бошқа мамлакатлар қатори, Ўзбекистон халқига ҳам тинчлик, осойишталик ва фаровонлик сўраб, Яратганга илтижо қиламан, деган сўзлари Рим папасининг юртимизга катта ҳурмат-эҳтиромининг изҳори бўлди. Албатта, аҳолисининг қарийб 85 фоизини мусулмонлар ташкил этувчи давлат раҳбарининг Рим папаси билан учрашувидан кўзланган мақсад нима эди, деган савол туғилиши мумкин. Мамлакатимизда кам сонли бўлса-да, католиклар ҳам истиқомат қилади. Уларнинг эмин-эркин яшаши ва эътиқод қилиши учун юртимизда тўла шароит яратилган. Бу Ўзбекистонда диний, ирқий ва миллий тотувлик йўналишида юритилаётган одил сиёсатнинг самарасидир. Ислом Каримовнинг Рим папаси билан мулоқоти юртимизнинг ўз сиёсатида изчил эканидан дарак беради.

Шу кунгача Ўзбекистон талай давлатлар билан халқаро террорчилик, уюшган жиноятчилик ва наркотик моддаларнинг ноқонуний тарқалишига қарши кураш тўғрисида битимлар имзолаган. Италия сафари чоғида мазкур мамлакат билан ҳам шундай ҳужжат имзоланди. Ислом Каримов журналистларга берган интервьюсида мазкур битимнинг аҳамиятига тўхталар экан, бундай курашда қанча кўп шерик, қанча кўп ҳамкор бўлса, шунча яхши, деди.

Шунингдек, Римда Ўзбекистон билан Италия ўртасида икки томонлама солиқдан чекланиш, автомобил транспортида халқаро юк ва йўловчи ташишни ўзаро тартибга солиш, транспорт соҳасида ҳамкорлик, божхона ишларида ўзаро маъмурий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги ҳужжатлар ҳамда дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартноманинг ратификация ёрлиқларини алмашиш тўғрисидаги протокол имзоланди.

Италия ташрифи томонларнинг турли масалалар бўйича қарашлари бир-бирига яқин эканини кўрсатиб берди. Ислом Каримов ҳам Италия сафари жуда самарали бўлганини алоҳида таъкидлагани бежиз эмас. Зеро, Италия томони сиёсий-иқтисодий масалаларда Ўзбекистон билан ҳар қандай мулоқотга тайёр эканини, уни қўллаб-қувватлашини билдирди. Шундай экан, тарихига шундай ташриф кирган Ўзбекистон-Италия муносабатларининг истиқболи порлоқдир.

Анвар КАРИМОВ,
ЎзА махсус мухбири,
Тошкент-Рим-Венеция-Тошкент

Адолат тарозуси

Инсонпарвар жамиятимизда кимлардир меҳр-мурувват эшикларини ланг очади, олийжаноб ишларга қўл уради. Мактаб, боғча, касалхона қуради. Ёрдамга муҳтож оилаларга теккан савоби, хайри эҳсони билан халқнинг дуосини олади. Аммо бева-бечоранинг бошини силаш ўрнига унинг оғзидаги бир тишлам нонини пойлаб турган кимсалар ҳақида нима дейиш мумкин? Воажаб, бу инсонийлик шаъни, ғурурини ерга уриш, меҳру мурувватининг кўзига чўп суқиш эмасми?

НОИНСОФНИНГ ЧЎНТАГИ НЕЧТА?

ёки Пайариқ туманида ижтимоий ёрдамга муҳтож оилаларнинг нафақасига кўз олайтирган нопок кимсалар хусусида

Пайариқ туман халқ банки бўлимига қарашли қатор шахобчаларда рўй берган нохуш ҳолат бизни ана шундай хулоса чиқаришга ундади. Банк раҳбариятининг лоқайдлиги, ҳисоб-китобларнинг юритилиши, ҳужжатларнинг тўғри расмийлаштирилиши устидан назоратни бўшаштирганлиги жиноятга йўл очиб берди. Бир гуруҳ нопок кимсаларнинг ҳужжатларни қалбакилаштириб, такрор ва такрор қонунбузарлик қилишларига олиб келди.

Халқ банкининг Соҳибкор жамоа хўжалиги ҳудудида жойлашган 3555/040 шахобчасида назоратчи кассир вазифасида ишлаб келган Шарофиддин Шайманов бугун суднинг қора курсисида қонун олдида жавобгар. Сабаби, у сохта маълумотлар ва қалбаки ҳужжатлар тузиб, ҳукумат қарори ва Президент Фармонига асосан болаларга тўланиши лозим бўлган нафақа пулларни ўзлаштирди. Фарзандига бир жуфт пойафзал, дафтар, қалам олишга қўли калталик қилиб, нафақа пулини сўраб келганларга эса ҳар гал банкда пул йўқ, эртага келинг қабилидаги баҳоналарни рўкач қилиб, алдов, хиёнатлардан наф излаб юраверди. Шу тариқа у қисқа вақтда мансаб ваколатини суиистеъмол қилиб такрор ва такрор жиноятга қўл уради ҳамда 11 ҳолатда қалбаки ҳужжат тўлғазиб сохта имзо қўйиб, 23 минг 393 сўмлик нафақа пулларини ўз чўнтагига уради. Лекин кўза кунда эмас, кунида синади деганларидек, қинғир ишнинг қийиғи чиқиб, нафси бузуқ кассир эл олдида шармандa бўлди.

Судда гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган Насбали Алиқулова тўрт нафар фарзанди борлиги, турмуш ўртоғи вафот этиб, моддий жиҳатдан қийналиб қолганлигини баён этади. Иккинчи гуруҳ ногирони ҳисобланган аёл кенжа қизи Лобар 16 ёшга тўлгунга қадар нафақа тайинланишини сўраб Бошсурош маҳалла фуқаролар йиғинига ариза билан мурожаат қилади. Нафақа халқ банкининг 3555/040 рақамли шахобчаси орқали келиб тушадиган бўлди. Аммо кассир Шарофиддин Шайманов қизим Лобар учун бир ойлик 660 сўмлик нафақани менинг номимдан қоғозга ўзи қўл қўйиб олганлигини тафтиш давомида билдим, деб кўргазма берди Насбали Алиқулова.

Боқувчисини йўқотган, тўрт нафар фарзанднинг онаси, ногирон аёлга оила тебратиш осонми? Қийин! Аммо фирибгар юлғичга учраб бир бурда нонини, гўдаклар ризқини олдириб қўйганига чидаши ундан ҳам қийин. Афсуски, нафақа тарқатувчи кассир Шарофиддин Шайманов хизматига муҳтож бўлиб кўз тикиб оқибатда алданиб юрганлар озчилик эмас. Судда уларнинг барчаси гувоҳ тариқасида иштирок этиб кўргазма беришди. Боламнинг ризқини қайтар, ноинсоф деб кассирнинг ёқасидан олмоқчи бўлишди.

Қарангки, судланувчи Шарофиддин Шайманов-нинг ўзи ҳам бир эмас тўрт нафар фарзанднинг отаси экан. Аммо болаларини харом луқма билан боқиш ҳадису шарифларда гуноҳ саналишини у билармикин?

Суд рўй берган жиноятни атрофлича ўрганиб чиқиб Шарофиддин Шайманов-га тегишли жазо тайинлади. Бироқ Пайариқ туманида шу ҳолат билан боғлиқ жиноят яккавю ягона эмаслиги бизни чуқур ташвишга солади.

Гап шундаки, Шарофиддин Шайманов-нинг қинғирлиги сабаб бўлиб, туман халқ банкига қарашли қатор шахобчаларда прокуратура текшириви ўтказилганда бунданда аянчлироқ ҳолатларга дуч келинди. Яъни, банкнинг турли лавозимларида ишлаб келган яна тўрт нафар ходими юздан ортиқ оилаларга бориб тегишли зарур бўлган миллион сўмликдан кўпроқ нафақа пулларини ўз манфаатлари йўлида ўзлаштириб юборганлиги аниқланди. Ҳозир бу жиноий ишлар юзасидан тергов ҳаракатлари якунланиб тўпланган материаллар судга тақдим этилган.

Алқисса шу: наҳотки, Пайариқ туманида ижтимоий таъминот моддий ёрдам тақсимоти масалалари қай тариқа ҳал этилаётганлигини астойдил назорат қилувчилар топилмаса? Туман халқ банки ўғрилик, талон-торожлик, қаллобликлар инига айланиб қолганлиги тасодифми? Яқин орада бу масалаларга ҳам ойдинлик киритилади. Ҳозирча хулоса битта: бева-бечоранинг ризқини юлиб, кун кўрмоқчи бўлганлар халқнинг қарғишига учрайди. Қонун ҳам бундайларни кечирмайди.

Акбар АЗИЗОВ,
Самарқанд вилояти прокурорининг ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси.
Зоҳир ТЎРАҚУЛОВ,
«Адолат»нинг ўз мухбири.

● *Олий Мажлис сессияси олдидан:*
қонун лойиҳалари муҳокамада

СУД АДОЛАТ ТАЯНЧИ

Маълумки мустақилликка эришганимиздан сўнг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан юзлаб қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Албатта мазкур қонунларни қабул қилишдан асосий мақсад халқимизнинг ижтимоий, иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишдир.

1993 йил 2 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди. Аммо юртимизда ислоҳотларнинг жадал суръатда ривожланиши ҳамда юз бераётган ўзгаришлар туфайли мазкур қонунни қайтадан кўриб чиқиш зарурати туғилди. Судлар деганда биз аввало тарозининг ҳақиқат палласи босиладиган, инсонлар ёрдам сўраб борадиган, нажот топадиган улуғ бир адолат масканини тушунамиз. Шундай экан, биз Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги қонунининг янги таҳрирдаги лойиҳасига бефарқ қарай олмаймиз. Мазкур лойиҳа республикамиз газеталарида эълон қилинганидан сўнг уни атрофлича олдинги қонун билан солиштириш имконига эга бўлдик.

Лойиҳада 1993 йилги «Судлар тўғрисида»ги қонунга бир қанча ўзгартиришлар киритилган. Жумладан, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича алоҳида судларнинг ташкил этилиши, яъни, фуқаролик ва жиноий ишлар бўйича судларнинг ихтисослашуви мақсадга мувофиқдир. Чунки жамиятимизда учрайдиган муносабатларнинг аксарияти фуқаролик жараёнида юзага келади. Шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлган суд фаолияти маълум тартибда қонунда кўрсатилган асосда амалга оширилади. Суд ишларини юритишни тартибга солувчи қонунлар ишда иштирок этувчи шахсларга ўз ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун ҳам кафолатлар беради. Аввалги қонунга асосан фуқаролик ишини ҳам, жиноий ишни ҳам битта судья кўриб ҳал қиларди.

Фуқаролик ишлари мураккаб жараён ҳисобланади, чунки унинг негизида даъвогар ва жавобгарнинг моддий манфаатлари ётади. Менинг фикримча ишда иштирок этувчи тарафларнинг манфаатларини кўзлаган ҳолда ҳамда уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш йўлида фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича алоҳида судлар ташкил этилиши мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, мазкур лойиҳанинг 5-моддасига қўшимча киритилди. Яъни корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳам қонун ва суд олдида тенглиги эътироф этиб ўтилди. Бундан сўнг корхона, муассаса, ташкилотлар ҳам ўзининг бузилган ҳуқуқи юзасидан судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

Мен судлар тўғрисидаги қонун лойиҳасига ўз фикримни билдирдим, холос. Ниятимиз холис, яъни қонунларимиз янада такомиллашиб, аниқ жиноят ва фуқаролик ишларини кўриш жараёнида ҳақиқатни аниқлашга, адолатли қонун қабул қилинишига кенгроқ йўл очилишини истардик.

Наргиза МАҲМУДОВА,
Тошкент Давлат юридик институти
III курс талабаси.

Ислоҳот ва самара

ҚУТЛУҒ ҚАДАМЛИ РАИС

Баъзан шунақаси ҳам бўлади. Туппа-тузук иши юришиб турган жамоада раҳбар ўзгаргач ҳамма нарса орқага кетади.

– Эҳ, эссиз, – дейишади одамлар. – Бу раҳбарни омаддан Оллоҳ қисган экан.

Баъзи ҳолларда эса аксинча бўлади. Белигача қарзга ботган, ўз аравасини ўзи торта олмаётган хўжалик янги раҳбарнинг шарофати билан оёққа туриб, гуркираб кетади. Одамлар яна гап қилишади:

– Барака топгур раиснинг қадами зап қутлуғ келди-да.

Самарқанд вилоятининг Пастдарғом туманидаги Назрулло Козимов номли боғ ва узумчиликка ихтисослашган ширкат хўжалигида бундан икки йил аввал ишга киришган раис Шариф Райимқулов ҳақида одамлар аста-секин шундай хулосага келишди:

– Раисимизнинг омади бор экан. Ишларимиз юришиб кетди.

– Энди меҳнатимиз самарасиз кетмайдиган бўлди. Қозонимиз ҳам, чўмичимиз ҳам мойли бўлади.

– Қутлуғ қадамли раҳбар экан, барака топгур. Бўлмаса шунча йил «ўтириб қолган» хўжаликни тезда оёққа турғазиб юборармиди?..

Аслида Самарқанд вилоят ёшлар ташкилотида кўп йиллар ишлаб бой тажриба ва маҳоратга эга бўлган, Пастдарғом туманидаги «Дўстлик» жамоа хўжалигини ўн йил бошқариб, беш йил Болотош қишлоқ фуқаролар йиғинига раислик қилган Шариф Райимқулов учун боғ ва узумчиликка ихтисослашган бу ширкат хўжалигини оёққа турғазиш осон кечгани йўқ. У хўжаликда раҳбарликни қўлга олганда жамоанинг иқтисодий аҳволи ночорлашиб 90 миллион сўмлик қарз гарданига оғир юк бўлиб тушган эди. Қани бундай шароитда ишлаб кўрингчи. Сизни ким кўллар экан. Техникани юргазишга ёнилғи-мойлаш материаллари керак. Аммо олиш муаммо. Кўплаб жойларни қамиш босиб кетганлигидан боғ ва токзорнинг ичига яқин йўлаб бўлмайди. Бу аслида қаровсизликнинг, боқибеғамликнинг сабаби илгариги раҳбарларнинг бўш баёвлигининг оқибати эди. Янги раис хўжаликни юксалтиришдек улуғ мақсадлар билан ишга киришди. Оз-оздан бўлсада керакли нарсалар олиниб иш бошлаб юборилди. Боғ ва токзорлар тартибга келтирилиб қамишдан тозаланди. Шу билан биргаликда хўжаликнинг бу қадар иқтисодий инқирозга учрашининг боиси ҳам ўрганиб чиқилди. Таҳлиллар эса кимларнингдир ўз ишига панжа орасидан қарагани оқибатида хўжалик шу қадар ночорлашиб кетганлигини кўрсатиб турарди. Шариф Райимқулов уларнинг бахридан ўтди. Хўжаликнинг молиявий фаолиятини нотўғри юргизгани учун бош ҳисобчи, бош муҳандис ва бош ҳисобчи ёрдамчиси ишдан олинди. Уларнинг ўрнида шу соҳага чин дилдан меҳрини берган, юқори малака ва ихтисосга эга бўлган мутахассислар ишлай бошлашди.

Аммо хўжаликни оёққа турғазишга шунинг ўзи кифоя қилмасди. Энг аввало одамларнинг меҳнатга муносабатини ўзгартириш тақозо этиларди. Ишни шундай ташкил этиш керакки, хўжалик учун ҳамма бирдек жон койитсин. Унинг мулкини ўз мулкидек асраб-авайласин. Етиштирган маҳсулотини аввалгидек талон-тарож қилмасдан бой-бадавлат бўлсин. Бунинг учун Шариф Райимқулов оилавий пудратни жорий этди. Янги усулнинг моҳияти, афзаллиги ҳаммага тушунтирилди. Чин дилдан меҳрини ерга бериб ишлаган одам манфаат топишини кўпчилик англаб етди. Раисдаги қатъият, етти ўлчаб бир кесишдек олийжаноб фазилат, энг муҳими меҳнат кишисини улуғлашга бўлган эътибор одамларнинг қалбига нур, белига кувват бағишлади. Улар хўжалик мулкини ўз мулкига айлантиришиб, оилавий пудратнинг афзалликларидан тўла баҳраманд бўлишди. Чин дилдан халол меҳнат қилишни ўрганишди. Натижада ўтган йили хўжалик гарданидаги 90 миллион сўм қарздан қутилиб фойдага ишлай бошлади. Бу йил эса 350 миллион сўм даромад қилди.

– Энг муҳими одамларни халолликка, покликка йўналтира олганимизда, – дейди ширкат хўжалигининг раиси Шариф Райимқулов биз билан суҳбатда. – Ахир талон-тарож, ўғрилик, муттаҳамлик бор жойда қут-барака бўладими? 396 гектар ерни ўн йил муддат билан 396 та оилавий пудратчига сотдик. 510 гектардаги боғ ва узумзор ширкатимизнинг 510 нафар аъзосига оилавий пудрат асосида ижарага берилди. Хўжалик нима қилади? Оилавий пудратчининг вазифаси нималардан иборат? Бу масалалар ўртадаги шартномада аниқ-тиниқ кўрсатиб қўйилди. Кейинчалик шартнома қайтадан кўриб чиқилиб мукаммаллаштирилди. Хўш, бу нима берди? Рақамларга эътибор берайлик: 1998 йилда хўжалик бор-йўғи 220 тонна мева, 1293 тонна узум етиштирган эди. Бу йил 10 минг тонна узум, 1750 тонна мева берилди. Яъни, контрактация шартномаси 250 фоизга бажарилди. «Ўзмевасабзавотузуммевасаноат» холдинг компанияси раиси Азим Аюпов шу йилнинг 25 сентябрида хўжалик аъзоларини улкан муваффақият билан қутлаб шундай шошилинчнома йўллади:

«Самарқанд вилояти Пастдарғом тумани Назрулла Козимов номли ширкат хўжалиги раисига!

Хўжаликда узум ишлаб чиқариш ҳамда контрактация шартномаларини ортиғи билан бажарганлигингиз учун сизни ва хўжалик аъзоларини чин дилдан қутлайман. Хўжаликнинг аввалги шуҳратини тиклашларингиз, шунингдек, иқтисодий самарадорлигини юксалтириш ва меҳнаткашларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш йўлида қилаётган катта меҳнатларигиз учун миннатдорчилик билдираман».

Ҳа, меҳнатнинг таги роҳат, деб бежиз айтилмаган. Меҳнат инсонни улуғлайди. Камолга етказади. Ширкат хўжалиги аъзолари ва оилавий пудратчилари тадбиркор, ишбилармон раис Шариф Райимқулов атрофига жипслашиб қувончли ютуқларни қўлга киритишаяпти. Аҳиллик, ҳамжиҳатликнинг самараси йил бўйи қилинган меҳнатнинг натижасида кўзга ташланиб турибди. Ҳусаин Ўроқов, Облоқул Норов сингари пудратчилар боғ ва узумзорларда мўл-ҳосил етиштиришиб хўжаликнинг иқтисодий қудратини оширишга муносиб хиссаларини қўшдилар. Шариф Райимқуловнинг турмуш ўртоғи Музаффар опа Райимқулова ҳам қараб турганги йўқ: бир гектар ерни ижарага олиб мўл-ҳосил етиштираяпти.

Бу йил ишлаб чиқариш режасини ортиғи билан бажаргани учун хўжаликдаги етти оилавий пудратчи рангли телевизор, 15 оилавий пудратчи гилам билан мукофотланди.

– Раисимизнинг шарофати билан шу икки йилнинг ичида хўжалигимиздаги 100 га яқин оила машинали бўлди, – дейди Назрулло Козимов номли боғ ва узумчиликка ихтисослашган ширкат хўжалиги раисининг биринчи ўринбосари Шоди Саъдуллаев. – Куни-кеча яна 10 киши «Дамас» автомашинасини сотиб олди...

Бу – оддий гап эмас. Хўжаликда иқтисодий ислоҳотлар изчил амалга оширилаётганлигининг далолатидир. Бу туфайли одамларнинг ҳаёти гўзал, турмуши фаровонлашиб бормоқда.

Рустам ДОСТОН,
«Адолат»нинг махсус мухбири.

Суратда: ширкат хўжалиги раиси Шариф Райимқулов пешқадам оилавий пудратчилар Ҳусаин Ўроқов, Облоқул Норов ва раиснинг биринчи ўринбосари Шоди Саъдуллаев янги режалар хусусида ўзаро фикр алмашишмоқда.

Бекобод туманидаги «Янги ҳаёт» халқ корпорациясининг ишчан, меҳнатсевар шоликорлари бу йилги табиат қийинчиликларини мардонавор енгишиб, мўл шоли ҳосили етиштиришга муваффақ бўлдилар. Хўжаликдаги 2750 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан ошириб хирмон кўтарилди.

– Оғир иқтисодий қийинчиликка учраган хўжалигимиз кейинги бир неча йил ичида бундай катта кўрсаткичга эришмаган эди, – дейди бош иқтисодчи Татьяна Пак. – Шу йилнинг бошида корпорациямизга раис бўлиб келган тажрибали раҳбаримиз Хўжаназар Орзуқулов бунга пухта замин яратди. Экин майдонлари оилавий пудратчиларга бўлиб берилиб, хўжаликнинг ҳамма механизмларини бир маромда ишлаши таъминланди. Бунинг эвазига юксак хирмон кўтарилди. Айрим оилавий пудратчилар ҳатто гектаридан 50 центнердан ошириб ҳосил етиштирдилар.

Суратда: гектаридан 48 центнердан ошириб шоли етиштирган илғор оилавий пудратчи Абдимўмин Бегимқулов ҳосил чўғидан мамнун.

Эркин БОТИРОВ олган сурат.



Лўқма

МУАММО МУАММОЛИГИЧА ҚОЛМОҚДА

Биз яқинда Қашқадарё вилоятида бўлганимизда кузги дала ишлари давом этаётганининг гувоҳи бўлдик. Аммо жойларда ғўзапоядан тозаланмаган, шудгор қилинмаган, кузги ғалла экилмаган ерларни ҳам учратдик.

Хўжаликларнинг раҳбарларидан бир нечтаси билан учрашганимизда, уларнинг айримлари кузги агротехника тадбирларини ўз вақтида ўтказиш, ғалла экишнинг кечикишига кўпинча ёнилғи-мойлаш материалларининг етишмаслиги сабаб бўлаётганлигини айтишди.

Масалага ойдинлик киритиш мақсадида «Қашқадарёнефтьмаҳсулот» корхонаси раҳбари Қиёмиддин Сирожев билан учрашдик.

– Биласизми, – деди Қиёмиддин Сирожев, – биз қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчи хўжаликларга 2000 йилда олиши лозим бўлган нефть маҳсулотларни бериб бўлганмиз.

– Айтайлик, лимит бўйича белгиланган ёнилғи-мойлаш материалларини олиб бўлган хўжаликларнинг айримларида хали бажарилиши лозим бўлган дала юмушлари анчагина. Бу ишлар энди қолиб кетаверадими?

– Мен унисини билмайман. Аввал қарзлардан қутилиб, кейин яна пул ўтказишса, бензин ҳам, солярка ҳам олишлари мумкин. Шундоқ ҳам шу йил ноябрь ойигача бўлган дебиторлик қарзларимиз 4902180 минг сўмган етган. Ваҳоланки, хўжаликларнинг кўплари олган маҳсулотлари учун қарзларини тўлаша олмаётир. Дебиторлик қарзларимизнинг 1958705 минг сўми муддати ўтган. Уларни хўжалик судига бериб, суд қарорларини чиқариб олганмиз. Аммо қарзларни ундириш қийин бўляпти. Шундай шароитда яна қарзга бензин, солярка беролмаймиз-да!

Аммо хўжаликларнинг раҳбарлари йил бўйи нефть маҳсулотлари учун белгиланган лимитлар амалда зарур бўлганидан камайтириб юборилганлигини айтишди. Демак, агар бу хол давом этадиган бўлса, кузги агротехник тадбирлари бажарилмай қолиши мумкин. Нима бўлганда ҳам Қашқадарё вилояти деҳқонлари далаларни ғўзапоядан тозалаш, ерларни шудгорлаш, ғалла экиш ишларини ҳали тўла тугаллашмаган. Қиш эса эшик қоқмоқда. Қаҳратон кунлар келиб, қор ёғса, зарур ишлар қолиб кетиши мумкин. Бу эса, келгуси йил ҳосилига жиддий салбий таъсир этиши мумкин. Бундай бўлмаслиги учун ушбу жиддий муаммони тезроқ ҳал этиш лозим бўлади.

Яна бир гап. Вилоятда хусусий ёнилғи қуйиш шахобчалари анчагина. Аммо одамлар вақтида ёнилғи ололмаётирлар. Биз Яккабоғ туманида бўлганимизда бунинг гувоҳи бўлдик. Туман нефть базаси олдида одамлар тирбанд. Аммо бошлиқдан дарак йўқ. Бошлиқни тўрт соатлар чамаси кутдик. Аммо уни кўролмадик.

Ёнилғи қуйиш шохобчалари вакиллари икки кунлаб бензин ололмай сарсон юришганини афсус билан айтишди. Сабаби, ёнилғи фақат махсус ажратилган машиналарда етказиб берилади. Уларнинг сони эса жуда оз. Бироқ махсус ёнилғи ташийдиган бошқа машинада маҳсулотни олишга рухсат берилмаган. Нима бўлганда бундан ҳам истеъмолчи зарар кўряпти. Нафақат истеъмолчи, ёнилғи қуйиш шохобчаларига вақтида бензин келтирилмаслиги оқибатида улар ишламай, давлат хазинасига тушадиган нақд пул ҳам камайиб кетмоқда.

Аммо «Қашқадарёнефтьмаҳсулот» корхонасидаги мутасаддилар ва унинг жойлардаги бўлимлари раҳбарлари «тартиб шунақа», деб елка қисишдан нарига ўтишмаяпти. Натижада муаммо хануз муаммолигича қолмоқда.

Каримжон РИХСИЕВ,
«Адолат» мухбири.

Талаба тадқиқоти

МАДРАҲИМ ШЕРОЗИЙ

Мадраҳим Шерозий ўзбек мусиқаси ва қўшиқчилик санъатига катта ҳисса қўшган буюк санъаткорлардан биридир. У 1890 йили Хивада таваллуд топган. Ёшлигиданоқ мусиқа ва қўшиқни жуда севган. Халқ мумтоз санъати мусиқасини ва қўшиқларини зўр қизиқиш билан ўрганган.

Мадраҳим Шерозийнинг отаси Матёқуб ҳожи эндигина ўн бешга қадам қўйган ўғлини Қуржи бола (машҳур хивалик ҳофиз, Шерозийнинг устози) ва Полли дўзчи (машҳур хивалик дуторчи ҳофиз) қатнашган тўйга олиб бордию, унга қўшиқ айтиш «касаллиги»ни юқтириб келди. Мадраҳим алланималарни ҳиргойи қиладиган, бу ишдан зерикмайдиган бўлиб қолди. Ота бу қизиқиш келгусида ўғлини қон-қонига сингиб кетишини ва қандай кунларга олиб келишини ўйламаган ҳолда ўз тўкмидан «гўянди» чиқаётганига суюнарди. Сабаби 15 ёшидаёқ Шерозий қўшиқчи деб тан олинганди-да!

Ёшлигида Мадраҳим Шерозий ўзига дутор ясайди ва бу дуторни отасига кўрсатиб мақтанади. Ўғлининг дуторини кўрган ота фарзандининг ихлосини қайтармаслик учун уни мақтаса-да, ўғлига тузукроқ мусиқа асбоби олиб беролмагани учун «камбағаллик қурсин», деб хўрсиниб қўяди.

Кейинчалик Матёқуб ҳожининг дўсти сафардан Мадраҳимга ростакам дуторни келтириб беради, шунда Мадраҳим илк бор ҳақиқий дуторни қўлига ушлайди. Мадраҳим дўстлари Оллаберган ва Рамазон билан ишдан (улар тикувчилик қилишарди) сўнг тор ҳужрага кириб олиб, куй-қўшиқ айтиш билан банд бўладилар.

Кунлар ўтиб Мадраҳим Шерозий дўсти Рамазон билан қаландархонага бориб Қуржи ота ва Полли дўзчи билан учрашади.

Халқ севган, машҳур созандаларнинг эл-юртига меҳру муҳаббати халқнинг эса уларга ихлоси туфайли қаландархона кишилари турмуш қийинчиликлари ҳақидаги оғир ўйлардан бек ва амалдорларнинг бедодликлари, қолдирган қайғуаламлардан вақтинча бўлсада фориғ этадиган, яхши яшаш орзу-истакларини кўнгилларига соладиган оромгоҳга айланди. Одамлар гир атрофи гўжумлар билан ўралган, зилол сувли ҳовуз бўйидаги супаларда, ерга тўшалган шолда ўтиришар экан, ўзларини енгил ва эркин ҳис қилишарди.

Қуржи ота ва Полли дўзчи Мадраҳимдаги ўзига хос ижрочилик йўлининг куртакларини илғашди. Мутлақо янгича овоз ҳамда майинлик заминидан униб чиққан оҳанглар унинг парвози келажакда яна ҳам баланд бўлишидан дарак берарди.

Қуржи ота «Қани энди уфорисини айтиб кўринг» деб Мадраҳимнинг уфорисига бошлади.

Суворанинг уфориси тугагач, оламон орасидан «Шерозий паноқли бола зўр экан», «Яша Шерозий», деган хитоблар янгради. Қуржи ота ва Полли дўзчи «Бу боладан, ўлмаса бир нарса чиқади» дегандай бир-бирларига қараб бош қимирлатиб қўйишди. Шу куни илк бора халқ уни «Шерозий ҳофиз» (бошида шер терисидан тикилган телпак кийгани учун) дея атай бошлаган. Бу ном унинг қиёфасида аста-секин мустаҳкамланиб борди ва кўп ўтмай тахаллус сингари умрининг йўлдошига айланди.

Тошкент ҳам Шерозий учун қадрдон бўлиб қолди. У ҳар сафар бу ерга келар экан, бир янгилик, янгича руҳ ҳавосини оларди. Республиканинг атоқли санъат намоёндалари билан учрашув ва суҳбатлар, баҳслар, мунозаралар ижодий мактабга айланди.

Мадраҳим Шерозий Юнус Ражабий каби санъат устаси билан ҳам яқин дўст эди. Тўйчи ҳофиз ва Юнус Ражабий Шерозийга радио орқали «Сувора» ва «Феруз»ни бутун Республикага эшиттиришга кўмаклашдилар.

Юнус Ражабий музейида ҳам Шерозийнинг Тўйчи ҳофиз ва Юнус Ражабий билан бирга тушган суратлари сақланиб қолган.

Мадраҳим Ёқуб Шерозийни эсга олганда уни нафақат Хоразм санъат устаси деб, балки ўзбек классик мусиқасини дунёга танитган ҳофиз деб биламиз. Шу сабабли ҳам унинг хотираси нафақат оиласи, балки халқимиз хотирасида ҳам яшаб келмоқда...

Дилафруз АБДУРАҲМОНОВА,
Тошкент Давлат санъат институти талабаси.

АРОҚНИНГ БОЗОРИ ЧАҚҚОН ... ЛЕКИН

Қўлбола ароқ сотишдан келадиган фойданинг мўмай бўлишини ким ҳам билмайди, дейсиз. Лекин ҳамма ишнинг йўл-йўриғи, қонун-қоидаси бор. Бўлмаса солиқчилар олдида бошлар хам, маҳаллакўй олдида юзлар шувит бўлиб қолиши ҳеч гап эмас.

Қалбаки ароқ тайёрлаб, уни пуллашга астойдил киришиб кетган Убайдулло Исматуллаев ва Ҳусан Абдуллаев «Тошкент оқшоми» деган ёрлиқ ёпиштирилган 1000 шиша қўлбола ароқни «Карвон» бозорида харидорларга 450 минг сўмга пуллаётганда қўлга олинди.

– Дастлабки суриштирув жараёнида аниқланишича, У. Исматуллаев ва Ҳ. Абдуллаев Шайхонтоҳур тумани Гулобод мавзеси 54-ўй, 47-хонадонда жойлашган яширин цехда ҳар ҳафтада ўртача тўрт минг шиша спиртли ичимлик тайёрлаб, уни сотиш билан шуғулланган, – деди солиқ соҳасидаги қонунбузарликларга қарши тезкор курашиш Бош бошқармасининг бошлиғи Комилжон Бекчонов «Туркистон-пресс» мухбирига. – Бу хонадон қалбаки ароқ тайёрлашга мослаштирилган бўлиб, текширув давомида 1600 дона «Тошкент оқшоми» арогининг ёрлиғи, катта миқдорда сохта акциз маркалари, ҳар хил ҳажмдаги идишлар, шунга яраша мосламалар борлиги аниқланди ва белгиланган тартибда расмийлаштирилди. Ҳозирда ушбу ҳолат юзасидан суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

Янгийўл тумани Гулбаҳор шаҳрида яшовчи яна бир «тадбиркор» Бахриддин Исомиддинов 2 миллион 445 минг сўмлик ароқни ноқонуний равишда акциз маркасиз сотиб, қилмишига пушаймон бўлиб ўтирибди.

Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 13 мартдаги «Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарорига асосан ташкил этилган солиқ соҳасидаги қонунбузарликларга қарши тезкор курашиш Бош бошқармасининг асосий вазифаси тизимда қонун устуворлигини таъминлашдир, таъкидлади К. Бекчонов. Ўтган давр мобайнида Бош бошқарма бюджетга 9 миллиард сўмдан зиёд қўшимча солиқ туширди. Хусусан, жорий йилнинг 1 ноябр ҳолатига 173 миллион 751 минг сўмлик спиртли ичимликларни ноқонуний ишлаб чиқариш ва сотиш билан шуғулланган 78 та ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланиб, шулардан 72 таси бўйича жиноят иши қўзғатилди. Олти нафар шахс эса маъмурий жавобгарликка тортилди.

Мазкур давр мобайнида ароқ тайёрланадиган 18 та яширин цех топилиб, 3 миллион 555 минг сўмлик маҳсулот давлат фойдасига мусодара қилинди.

Долзарб мавзу

ЁНИЛҒИ ТАЪМИНОТИДА УЗИЛИШ БЎЛМАЙДИ

Андижонликларнинг ҳар жабҳада мамлакатимизда ўз ўрни ва мавқеи бор. Ғалла уруғчилигида ўзига хос мактаб яратилди. Плёнка остига чигит экиб юқори ҳосил олишдек ноёб тажрибасини кўрган хорижликлар ҳам бободеҳқонга тахсинлар ўқиб қайтишмоқда.

Дарҳақиқат халқ хўжалигини ривожлантиришда, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда ёнилғига бўлган эҳтиёжни нечоғли таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Вилоят нефть маҳсулотлари билан таъминлаш корхоналари халқ хўжалиги истеъмолчилари ва аҳолини бир маромда ёнилғи маҳсулотларига бўлган талабини қондириб келаётир. Тажрибали мутахассис, чорак асрдан буён шу тармоқнинг жонкуяри, иқтидорли ва диёнатли инсон, вилоят нефть маҳсулотлари таъминоти шўъба унитар корхонаси директори Исмоил ЖУМАБОЕВ тармоқда амалга оширилаётган хайрли ишлар ва яхши ният билан бажаришни кўнгилга туккан режалар хусусида мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди.

– Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, тармоқда жуда катта ўзгаришлар содир бўлди. Айниқса, Бухородаги нефтни қайта ишлаш заводининг ишга тушиши Ўзбекистондек келажаги буюк, суюкли юртимиз учун тарихий воқеа бўлди. Фарғонадаги шундай заводни қайта реконструкция қилиниши ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар хажми ва сифатини оширди. Мамлакатимиз ўзини ўзи нефть маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш имконини қўлга киритди. Бундай оламшумул ўзгаришлардан фахрланмай бўладими? Энг муҳими, халқ хўжалиги истеъмолчилари ва аҳоли бир маромда узлуксиз нефть маҳсулотлари билан таъминланаётир. Жорий йилнинг ўн ойида вилоятимизга бир неча юз минг тонна турли хил нефть маҳсулотлари олиб келиниб, истеъмолчиларга тарқатилди. Режа 122 фоиз қилиб ортиғи билан уддаланди. Ялпи даромад олиш режаси 161 фоизга бажарилди.

Аҳолига пулли хизмат кўрсатиш юзасидан иш фаолиятини яхшилаш, қўшимча ишчи ўринлари яратиш, тармоқ ходимларининг ўз устида тинимсиз ишлаши, малакасини мунтазам ошириб боришлари, замонавий техника ускуналарини мукаммал ўрганиб, жойларда улардан фойдаланишни амалда тадбиқ этишни долзарб вазифа сифатида белгилаб олганмиз. Уч миллион сўмликка яқин халқ эҳтиёжи моллари ишлаб чиқилди. Пуллик хизмат кўрсатиш режаси 146 фоизга бажарилди.

Андижон нефть базаси қошида хўжалик ҳисобидаги автопарк ва Гурунч-мозор нефть маҳсулотлари таъминоти корхонасида тикув цехлари ташкил қилинганлиги эвазига қўшимча 87 киши иш билан таъминланди.

Республикамиз ҳукумати ва «Ўзнефтмаҳсулот» акционерлик компаниясининг аҳолига нефть маҳсулотлари сотиш ишларини яхшилаш тўғрисидаги қарор ва топшириқларини бажаришда ҳам бир қанча ижобий ишлар амалга оширилди.

Шахсий автотранспортлар кун сайин кўпайиб бораётир. Бу эса турмуш фаровонлигининг ортиб бораётганидан далолатдир. Қайси жабҳада бўлмасин ишчи хизматчиларга эътибор кўпроқ қаратилса, ўша жойда ривожланиш бўлади. Жорий йилнинг шу давригача ишчиларга 761 минг сўмлик сут маҳсулотлари берилди. Ишлаб чиқариш ва дам олиш хоналарини жиҳозлашга, Андижон, Гурунч мозор ва Шаҳрихон нефть маҳсулотлари таъминоти корхоналарида иш жойларини яхшилашга 2 миллион 81 минг сўм сарфланди, қирқ миллион сўмлик капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Шундан тўққиз миллион сўмлик иш ўз кучимиз билан бажарилди.

Бугунги кунда корхонамиз ва нефть базаларида қиш мавсумини муваффақиятли ўтказиш учун белгиланган чора тадбирлар тўла бажарилаётир. Келгуси йил ҳосили учун тайёргарлик ва кузги қишлоқ хўжалик ишларини ўтказиш учун талаб этилган автобензин, дизель ёнилғиси ҳамда бошқа нефть маҳсулотлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи ва унга хизмат кўрсатувчи хўжалик ва корхоналарга бир маромда етказиб берилди. Маҳсулотларнинг сифат даражасини доимий назорат қилиш учун тасарруфимизда ўнта кимё-назорат лаборатория фаолият кўрсатаётир. Вилоят корхонаси ва жойлардаги нефть маҳсулотлари билан таъминлаш корхоналарининг малакали мутахассислари томонидан қишлоқ хўжалиги корхоналарига чиқарилаётган нефть маҳсулотлари сифат ва миқдор жиҳатидан доимий назоратга олинган. Омборлардан чиқарилаётган барча турдаги нефть маҳсулотларига сифат гувоҳномалари берилиши йўлга қўйилган. Корхонамизнинг «Нефтмеъёр» бўлими ходимлари вилоят «Агромашсервис» бирлашмаси ва вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг мутасадди вакиллари ҳамкорликда мавсум олдидан хўжаликларнинг ёнилғи омборларини тайёрлаш, уларда нефть маҳсулотларини технологик жараёнларга амал қилган ҳолда сақлаш ва амалдаги меъёрлар асосида сарфланиши бўйича жойларда амалий ёрдамлар берилди. Албатта, мустақиллик шарофати билан жаҳоннинг турли мамлакатларидан республикамизга илғор техника ва транспорт воситалари олиб келинаётир. Вилоятимизда кузги қишлоқ хўжалик юмушларини бажаришда ҳам импорт техникалардан фойдаланилмоқда. Бундай ноёб техникаларнинг умрини узайтириш албатта ёнилғи мойлаш материалларининг сифатига боғлиқ. Шунинг учун уларга юқори сифатли нефть маҳсулотлари ва мойлаш материаллари етказиб бериш юзасидан чора тадбирлар ишлаб чиқарилиб амалга оширилмоқда.

Андижонда ажойиб анъана қарор топган. Ғаллами, пахта йиғим теримими, ҳар бир мавсумда вилоятда фаолият кўрсатаётган жамики корхона ва ташкилотлар раҳбарларидан тортиб то мутахассисларигача қишлоқ хўжалиги ходимларига елкадош бўлади. Деҳқон муаммоларини ўша жойнинг ўзида ҳал этиш қатъий белгиланган боис ҳам тармоқда мўътадил ривожланиш ва юксалиш қарор топаётир. Ҳукумат қарорларини рўёбга чиқаришда «Ўзнефтмаҳсулот» акционерлик компанияси томонидан нефть маҳсулотлари билан вилоятимиз мунтазам таъминланиб турганлигини алоҳида таъкидлаш жоиздир. Улар белгилаб берган йўл йўриқлар ютуқлар омили бўлаётир.

Шу йилнинг ўн ойида шахсий транспорт эгаларига 65,1 минг тонна автобензин сотилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан анча кўпдир. Автомобилларга ёнилғи янги технология ва техникалар асосида Пахтаобод нефть базаси қурилиши нихоясига етади.

Шўъба унитар корхонамиз ишчи хизматчиларининг меҳнат шароитларини яхшилашга, уларнинг ижтимоий ҳимоясига алоҳида эътибор қаратилаётир. Ишчилар махсус кийимлар, шахсий ҳимоя мосламалари билан таъминланмоқда. Заҳарли муҳитда ишловчилар учун имтиёзлар яратилган. Айниқса, уларни сут ва сут маҳсулотлари билан таъминлашга алоҳида эътибор берилаётир. Бу борада Гуруч мозор нефть маҳсулотлари таъминоти корхонасидаги ишлар ибратли. Узларининг ёрдамчи хўжалигида етиштирган чорвачилик махсулотлари арзон нархда ходимларга тарқатилмоқда. Вилоят корхонамиз ва барча нефть базаларида ишловчи ходимлар, уларнинг оила аъзолари соғлиғини мустаҳкамлаш учун Андижон тиббиёт олийгохи клиникаси билан шартнома тузилган. Ҳозиргача 750 минг сўм шу мақсад учун сарфланди.

Кам таъминланган ва кўп болали оилаларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиб борилмоқда. «Соғлом авлод» давлат дастурини бажариш борасида ҳам бирқанча ишлар амалга оширилди. Бола туғиш ёшидаги аёллар, бемор болалар ва ногиронларга соғломлаштириш муассасаларига бепул йўлланмалар берилиб, уларни даволаш учун 93 минг сўм сарфланди. Йигирма беш нафар ишчи ва хизматчилар санаторияларда саломатликларини тиклаб қайтдилар. Ўн ой давомида 2 миллион 271 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Нефть маҳсулотларини ноқонуний равишда республика ташқарисига чиқарилишига йўл қўймаслик, аҳоли эҳтиёжи миқдорида автобензин етказиб беришни таъминлаш, хусусий автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчаларида савдо қоидаларига амал қилиниши доимо назоратимизда турибди. Ҳар қандай салбий ҳолатларни бартараф этиш мақсадида ички ишлар бошқармаси, давлат солиқ бошқармаси, «Узнефтгазназорат» инспекцияси вилоят бўлими, хусусий автомобилларга ёнилғи қуйиш уюшмаси, «Андижоннефтмаҳсулот» корхонаси ходимларидан иборат махсус гуруҳлар тузилиб, назорат ишлари ташкил этилган.

Нефтьмаҳсулот вилоят корхонасини 2000-2005 йилларда иқтисодий соғломлаштириш комплекс дастури ишлаб чиқилди. Дастурга асосан пул маблағларини иқтисод қилиш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш тадбирларидан 151 миллион сўм тежаш кўзда тутилган. Ҳаражатларни тежаш борасида ҳам сезиларли ишлар қилинаётир.

Хуллас, вилоятда ёнилғи таъминотида узилиш бўлмаслиги учун бор имкониятларни ишга солиб харакат қилаверамиз.

«Адолат»нинг махсус мухбири Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ ёзиб олди.

Хоразм милиционери тажрибаси

ДАВЛАТИМИЗНИНГ ҚУДРАТЛИ ТАЯНЧИ

Келажаги буюк Ўзбекистонимизнинг иқтисодий қудратини ошириш, эллараро шуҳратини ёйиш, юртни тинч, халқни фаровон айлаш бугунги кундаги энг муҳим вазифалардан биридир. Бундай шарафли, улуғвор ишларга бел боғлаган заҳматкаш, меҳнаткаш, бунёдкор халқимизнинг бугунги тинч ва осуда ҳаётини таъминлашда, Ватанимизни ҳар хил ёвуз кучлардан ҳимоя қилишда осойишталигимиз посбонларининг хизматлари беқиёс бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг барча тизимларида бўлгани каби Хоразм вилояти Ички ишлар бошқамаси жамоаси ва унинг жойлардаги бўлинмалари томонидан ҳам бу борада муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Жиноятчиликка қарши кураш, энг аввало жиноятчиликнинг олдини олиш, эл осойишталигини таъминлаш юзасидан олиб борилаётган ишлар буни яққол кўрсатиб турибди. Бошқарма ҳаётида тамоман янгича ёндашув юзага келди. Унинг кадрларни тайёрлаш ва малакасини оширишга бўлган эътибори ҳар қачонгидан ҳам кучайди.

Шу мақсадда бошқарма қошидаги ўқув маркази бугунги кун талаблари даражасида ҳамма шароит ва қулайликларга эга бўлган холда янгитдан барпо этилиб, ўзининг мустаҳкам базасига эга бўлди. Шу билан биргаликда милиция ходимларининг жанговар тайёргарлигини оширишга хизмат қилувчи, замонавий талабларга жавоб берадиган янги полигон ишга туширилди.

Милиция билан халқнинг бирлиги, ҳамжиҳатлиги йўлида ҳам катта ишлар амалга оширилди. Қадди-қомати келишган, ўзига хос салобат билан хизмат вазифасини адо этаётган осойишталик посбонларини кўриб кўпчилик бугун уларнинг сермашаққат ишлари ортида юртимизнинг тинчлигини таъминлашдек улуғвор ишлар турганлигини дилдан ҳис этмоқда. Давлатимизнинг қудратли таянчи, зирҳли қалқонига айланган бу соҳа фидойиларининг фаолиятларидан чуқур қониқиш ҳосил қилмоқдалар. Қуйида хоразмлик осойишталик посбонларининг бу борада тўплаган бой тажрибалари билан танишиб, эришаётган ютуқларидан баҳраманд бўласиз.



Хоразм вилояти Ички ишлар бошқармаси базасида ишга туширилган янги ўқув марказида олиб борилаётган машғулотлар доимо ўзининг яхши самарасини бермоқда.

Ўқув маркази бошлиғи Икром Отаев парашютчиларнинг навбатдаги машқларга тайёргарлигини кўздан кечирмоқда.

Ўқув марказининг махсус фанлар бўйича ўқитувчиси, милиция катта лейтенанти Юсуфбой Сафоев тингловчи милиция сафдорлари Хуршид Отажонов билан Иззатулла Бегметовга автомобиль қисмларини тушунтирмоқда.

Янгиариқ тумани Ички ишлар бўлими бошлиғи, милиция майори Санъат Мадраҳимов (ўнгда) навбатчилик қисмига тушган маълумотлар билан танишаяпти.

Хива тумани ИИБ участка инспектори, милиция катта лейтенанти Саъдулла Юсупов, Ичон-Қалъа маҳалласи участка инспектори, милиция капитани Рўзматбой Қодиров, маҳалла посбонлари сардорлари ака-ука Машарип ва Мақсуд Оллобергановлар доимо баҳамжиҳат иш олиб борадилар.

Вилоят ИИБ ДАНБ бошқармасининг «Қорамон» маскани милиция кичик сержанти Ҳайитбой Бекжонов Урганч – Хива йўлида йўл-транспорт ҳаракатини доимо пухта назорат қилиб бораяпти.

ЮРТИ ТИНЧНИНГ ХАЛҚИ ТИНЧ

1998 йилнинг охири ва 1999 йилнинг бошида турли диний-экстремистик оқимларга мансуб жиноий гуруҳлар томонидан содир қилинган оғир жиноятлар, мавжуд конституцион тузумга тажовуз қилиш билан боғлиқ жиноий ҳаттиҳаракатлар Республикамизнинг бошқа ҳудудлари қатори вилоятимизда ҳам тезкор ҳолатни вужудга келтирди. Тинчлигимизга таҳдид солаётган ёвуз кучларни бартараф этиш, халқимиз осойишталигини таъминлаш энг долзарб вазифага айланганлигини давлат бошқарув органлари ходимлари ва раҳбарларигина эмас, балки ҳар бир фуқаро чуқур англаб етди. Юзага келган бундай вазиятдан келиб чиқиб Ички ишлар бошқармамиз ходимларининг барчаси кучайтирилган тартибдаги хизматга йўналтирилди. Зарурат сезилган ҳолларда эса ички ишлар идораларимизнинг барча шахсий таркиби ўзларига юклатилган масъулиятли вазифани бажаришга доимо шайдир.

Ички ишлар идоралари ходимларининг кенг жамоатчиликнинг ёрдамидан унумли фойдаланган ҳолда олиб бораётган ишлари ўз натижасни бермоқда ва ўтган давр мобайнида вилоят ҳудудида диний-экстремистик оқимлар тарафдорлари томонидан амалга оширилиши режалаштирилган бир қанча қўпорувчилик ва террористик ҳаракатларнинг олдини олишга эришилди.

Бундай вазиятлар ҳар бир ички ишлар идоралари ходимларидан алоҳида куч-матонат, сабр-тоқат, ақл-идрок, шу билан бирга мунтазам жанговар тайёргарликни талаб этади. Ички ишлар идораларига янги қабул қилинаётган ҳар бир ходимни ўзининг олдига қўйилган вазифани чуқур англаб, бажаришини таъминлаш учун Ички ишлар бошқармамиз қошида ўқув маркази ташкил этилиб, унда ходимларни ўқитиш ва қайта тайёрлаш кўзда тутилган эди.

Хоразм вилояти Ички ишлар бошқармаси раҳбарияти ташаббуси билан ўтган йилнинг охирида мазкур ўқув марказини қайта таъмирлаб, кенгайтиришга қарор қилинди. Бунинг натижасида бошқарма ҳузуридаги ўқув марказида дастлабки тайёргарликдан ўтаётган ходимларга ўқиши, яшаши ва дам олиш учун шароитлар яратиш мақсадида кенг кўламда таъмирлаш ишлари олиб борилиб, 100 ходимни яшаши ва ўқишига мўлжалланган 2 қаватли қўшимча бино, жисмоний ва жанговар тайёргарлигини ошириш учун ёзги спорт шаҳарчаси, 50 метрли очиқ сув ҳавзаси, 25 метрли ўқ отиш тири, ҳаммом, ёзги ошхона, транспорт воситаларини бошқариш амалларини ўрганиш учун автодром, саф тайёргарлиги майдони, спорт майдончаси, футбол майдони, 14 та ўқув хонаси ташкил этилди ва кўргазмали жиҳоз, ўқув қуроллари, техника воситалари билан таъминланди. Ўқув марказининг моддий ва техника базасини мустаҳкамлаш учун телевидеоаппаратлар, автотранспорт воситалари, алоқа ва овоз кучайтириш марказлари сотиб олинди. Ходимларнинг жанговар тайёргарлигини ошириш мақсадида амалий машқлар бажариш учун 3 қаватли бино қурилиб, 40 та хизмат итига мўлжалланган хизмат итлари питомниги ва кичик авиацияга мўлжалланган учиш-қўниш аэродроми қуриб битказилди.

Янги қуриб битказилган жанговар тайёргарлик ва ўқув марказида 2000 йилнинг ўтган даври мобайнида сафдор ва кичик бошлиқ таркиби ходимларининг бир қисми дастлабки тайёрловдан ҳамда малака ошириш курсларида тайёргарликдан ўтказилдилар.

Шу билан бирга ходимларнинг жанговар тайёргарлигини ошириш мақсадида ҳар хил турдаги ўқ отар қуролларидан амалий ўқ отиш машқларини бажаришга мўлжалланган ўқ отиш полигони қуриб битказилди. Полигонда ходимлар учун барча қулайликлар яратилиб, дам олиш хоналари, ювиниш хоналари ишга туширилди.

Вилоят чегара ҳудудларининг катта қисмини қумликлар ташкил қилганлиги ҳамда бу ҳудудда жиноий террористик ҳаракат сезилган тақдирда тезкорлик билан ҳаракатланиш учун ички ишлар идоралари ходимларидан парашютчилар гуруҳи ташкил қилиниб, керакли воситалар билан таъминланди.

ИИБ жанговар тайёргарлик ва ўқув марказида парашютдан сакраш бўйича умумий, жисмоний ва ер усти тайёргарлиги бўйича назарий ва амалий машғулотлар ўтказилди.

Хоразм вилояти ИИБ ҳозирги кунда кичик авиация самолётлари ва вертолётлари учиб қўнишга мўлжалланган, Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпанияси томонидан рухсат этилган қўниш майдони қурилди. 2 та Ан-2 самолёти ва Ми-2 вертолёти доим тайёр ҳолатда.

Хоразм вилояти ички ишлар идоралари ходимларининг жиноятчиликка қарши курашда касб-маҳорати ва жисмоний тайёргарлигини ошириш учун уларга шарт-шароитлар яратиш борасида қилинаётган ишлар ўзининг бой самарасини бермоқда. Ўз навбатида Ички ишлар бошқармамиз ҳамда унинг шаҳар ва туман Ички ишлар бўлимлари тизимларида Ўзбекистон Республикаси ИИВ буйруқ ва кўрсатмаларини, Ҳайъат қарорларини ўз вақтида сифатли бажариш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш, халқ осойишталигини таъминлаш мақсадида муҳим ишлар амалга оширилаяпти.

Айниқса, бу борада шахсий таркибнинг касб маҳоратини ошириш, зиммага юклатилган вазифаларни бекаму-куст бажариш, жанговар тайёргарликни таъминлашга, содир бўлаётган жиноятларни келиб чиқиш сабаблари ва унинг моҳиятини халқ оммасига ўз вақтида етказилиб турилишига, аҳоли ўртасида якка тартибда тушунтириш ишларини олиб боришга, оммавий ахборот воситалари имкониятларидан кенг фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилаяпти.

Вилоятнинг барча ҳудудларида, айниқса чегара ҳудудларда диний-экстремистик оқим тарафдорлари томонидан содир қилиниши мумкин бўлган кўнгилсизликларнинг олдини олиш, тезкор вазиятни барқарор сақлаш мақсадида кенг қамровли «Тозалаш», «Антитеррор», «Арсенал» ва шунга ўхшаган қатор профилактик тадбирлар пухта амалга оширилмоқда ва бунда кенг жамоатчиликни фаол иштироки таъминланаяпти.

Олиб борилган профилактик-тезкор тадбирлар натижасида вилоят ҳудудида 2000 йилнинг ўтган 10 ойида диний-экстремистлар томонидан жиноятлар содир қилинишига йўл қўйилмади. Вилоят бўйича умумий жиноятлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,8 фоизга камайди.

Зеро, юрти тинчнинг халқи тинч, деб бежиз айтилмаган. Чунки тинчлик – энг олий неъмат, фаровон ҳаёт рамзи, юксалишнинг мустаҳкам таянчидир. Бу жонажон Ўзбекистонимиздаги тинч ва осуда ҳаётда ўз ифодасини топмоқда.

Шавкат ИБРАГИМОВ,
Хоразм вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, милиция подполковниги.

МУҲИМ СОҲАГА ЭЪТИБОР

Вилоят Ички ишлар бошқармаси профилактика хизмати ва унинг жойлардаги бўлинмалари томонидан вилоят ҳудудида жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш борасида манфаатдор идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида вилоят ҳудудида тезкор вазиятни барқарорлаштириш, намунали жамоат тартибини сақлашга қаратилган кенг қамровли «Тозалаш», «Назорат», «Тун», «Орият», «Ўсмир» каби профилактик тадбирлар мунтазам равишда ўтказиб борилди. Яъни, Ички ишлар бошқармамиз раҳбариятининг асосий эътибори вилоятда намунали жамоат тартибини сақлаш, турли диний экстремистик оқимларга мансуб шахсларни аниқлаш ва уларга нисбатан қонуний чоралар кўришга қаратилмоқда. Милиция ходимларининг халқ ўртасида обрўсини кўтаришга эришилаяпти.

Ўтказилган тадбирлар давомида корхона, ташкилот ва ўқув муассасаларида учрашувлар ўтказилиб, диний экстремистик оқим тарафдорларининг дин ниқоби остида амалга оширмоқчи бўлган қора ниятлари ва вилоят ҳудудида содир қилинаётган жиноятлар тўғрисида аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишлари олиб борилади.

2000 йил – «Соғлом авлод йили»да болаларнинг тарбиясига ва улар ўртасидаги жиноятчиликни олдини олишга бўлган эътибор янада кучайтирилди. Усмирлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларни олдини олиш борасида тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда олиб бориладиган ишларни янада фаоллаштириш мақсадида ҳамкорликда амалга оширилаётган тадбирлар режаси ишлаб чиқилди ва унга мувофиқ ишлар олиб борилмоқда.

Вилоят ИИБ ташаббуси билан Урганч туманидаги Чолиш посёлкасида жойлашган «Қоинот» болалар оромгоҳида сўнгги 5 йилдан бери вилоят халқ таълими бошқармаси билан ҳамкорликда ВЕННинг профилактик ҳисобида турган тарбияси оғир бўлган ўсмирлар учун алоҳида болалар оромгоҳи ташкил қилиниб келинмоқда. Ёзги мавсумда ҳам ушбу оромгоҳда 300 нафар бола кўнгилли дам олди. Бу оромгоҳда дам олувчи болалар ўртасида тарбиявий ишларни олиб борувчи малакали халқ таълими ходимлари билан бир қаторда вояга етмаганлар билан ишлаш назоратининг тажрибали ходимлари ҳам якка ва профилактик турдаги тарбиявий ишларни олиб бордилар.

Вояга етмаган ёшларнинг ҳуқуқий билимини ошириш мақсадида вилоят халқ таълими бошқармаси ва вилоят ёшларининг «Камолот» жамғармаси билан ҳамкорликда барча ўқув муассасаларида «Сиз қонунни биласизми?» қўрик-танлови ўтказилди. ВЕН ходимлари томонидан вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларни олдини олиш юзасидан амалга оширилган ишлар натижасида жорий йилнинг ўтган 10 ойи давомида ВЕН хонасига ҳар хил турдаги ҳуқуқбузарлик содир қилган ўсмирлар олиб келиниб, руйхатга олинди. Бундан ташқари фарзандлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи 209 нафар ота-оналар ҳам профилактик ҳисобга олинди.

Профилактика хизмати ходимлари томонидан 2000 йилнинг ўтган даврида амалга оширилган ишлар ва йўл қўйилган камчиликлар чуқур таҳлил қилиниб, жорий йилни ижобий кўрсаткичлар билан якунлаш ҳамда халқ осойишталигини таъминлаш, жиноятчиликни олдини олиш мақсадида вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида кенг қамровли «Тозалаш» профилактик тадбири ўтказилаяпти.

Шавкат РАЗЗОҚОВ,
Хоразм вилоят ИИБ Жиноятчиликни олдини олиш бўлими бошлиғи, милиция подполковниги.

ҲАМКОРЛИКДА ҲИКМАТ КЎП



Бугун милиция халқимизнинг зирҳли қалқонига айланган. Қаерда бўлманг бу соҳа кишиларининг элим деб, юртим деб ёниб яшаб, сидқидилдан меҳнат қилаётганлигининг шоҳиди бўласиз. Зеро, юртимиздаги тинч ва осуда ҳаётнинг таъминланишида уларнинг ўз ўрни ва роли бор. Биз ҳам шундай улуғ, қутлуғ ишларга даъват этилганимиздан бахтиёрмиз. Элимизнинг тинчлиги, юртимизнинг осойишталигини таъминлаш муқаддас вазифамиз экан биз уни ҳамиша сидқидилдан адо этамиз. Туманимизда тезкор вазиятни барқарорлаштириш, жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш, ҳаракат ҳавфсизлигини таъминлаш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг ходимлари билан биргаликда муҳим ишлар амалга оширилмоқда.

Бу борада ўтказилаётган «Тозалаш», «Орият», «Қидирув», «Арсенал», «Ўсмир», «Гамхўрлик», «Қорадори-2000» сингари тадбирларимиз айниқса ўзининг яхши натижасини бермоқда. Яъни, жиноятчилик тобора камайиб бораяпти. Жумладан ўтган йилнинг ўн ойига нисбатан бу йил ҳамма соҳалар бўйича қайд қилинган жиноятлар сони 3,4 фоизга камайди. Босқинчилик, автомашиналарни олиб қочиш, номусга тегиш каби оғир жиноятлар эса умуман қайд этилмади.

Биз бундай натижага аҳолининг ҳуқуқий онгини тобора ошириб бораётганлигимиз туфайли эришаяпмиз. Бирон бир тадбир йўқки, аҳоли билан юзма-юз, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг вакиллари иштирокисиз ўтказилаётган бўлса. Меҳнат жамоалари, аҳоли турар жойларида, мактаб ва ўқув муассасаларида бугунги куннинг муҳим воқеаларига бағишлаб жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган очиқ мулоқот, давра суҳбатлари, савол-жавоб кечаларини ўтказиб бораяпмиз. Уларда кун сайин гуллаб-яшнаб, обод бўлиб бораётган жонажон Ватанимизни ёвуз кучлардан, ёмон кўзлардан асраш, шу Ватанга, шу азиз тупроққа ўтмиши каби келажаги буюк бўлган халқимизга муносиб фарзанд бўлишдек олийжаноб туйғулар илгари сурилмоқда. Ҳамма Ватанни севиб асраш ўзининг чин инсоний бурчи эканлигини билдирмоқда.

Ҳар бир тадбир туманимиз ҳокимияти билан келишилган ҳолда қатъий режа асосида олиб борилаяпти. Жойларда бўлишимиздан аввал шу ҳудуддаги аҳвол чуқур ўрганилиб чиқилиб, жиноят қилишга мойил бўлган шахслар, тарбияси оғир болалар, нотинч оилалар, ишламай бекор юрган ўсмирлар тўғрисида маълумотлар тўпланмоқда. Сўнг айнан бу ҳолатлар юзасидан учрашувларда фойдали мулоҳазалар билдирилиб, тегишли ташкилотларга, мутасаддиларга топшириқлар бериляпти. Яъни жиноятга олиб келувчи ҳеч бир ҳолат назаримиздан четда қолаётгани йўқ. Жиноятга жазонинг муқаррарлиги, қонун олдида ҳамманинг баробарлигини кўпчилик тушуниб етмоқда. Ўзини, ўз уйини асрашга интилаяпти. Бу туфайли ўтган ўн ойда спиртли ичимлик истеъмол қилиб жиноят содир этишдек жирканч иллатларга ўмуман йўл қўйилмади. Калта Минор, Сангар маҳаллаларида эса бironта ҳам жиноят содир этилгани йўқ. Бу – маҳалла фаоллари, маҳалла посбонлари, участка инспекторларининг самарали меҳнати, ҳамжиҳатликда иш олиб бораётгани туфайлидир.

Вазирлар Маҳкамасининг 180-қарорини изчиллик билан амалга ошириб, туманимиздаги 25 та маҳаллада 125 нафар маҳалла посбонидан иборат бўлган гуруҳни тузганмиз. Улар томонидан 2 та жиноятнинг олди олинди, 3 та жиноят фош этилди. Маҳалла посбонларидан тушган 39 та маълумот орқали 69 та ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланди.

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат. Бугун биз унинг мустаҳкам пойдеворини яратаяпмиз. Шубҳа йўқки, ҳурлар ичра ҳур, тенглар ичра тенг диёримизнинг осмони ҳамиша мусаффо бўлади. Тинч ва осойишта ҳаёт халқимизнинг улуғ ниятларини ижобат бўлишига йўл очади.

Бахтиёр КУТИМОВ,
Хива тумани Ички ишлар бўлими бошлиғи, милиция подполковниги.

ОГОҲЛИК – ДАВР ТАЛАБИ

Буюк неъмат – истиқлол шарофати билан бир неча асрлик тарихимиз, бой маданий-маънавий меросимиз қайта тикланиб халқимиз хазинасидан муносиб ўрин эгаллади.

Республикамиз мустақилликка эришгач, босқичма-босқич бозор муносабатларига ўтган ҳолда жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига тўлиқ аъзо бўлиш учун интилмоқда. Бунга Республикамизда, вилоятимизда ва шаҳримизда бўлаётган ўзгаришлар, иқтисодий олға силжишлар яққол мисол бўла олади.

Истиқлол йилларида тамбаланиб, михланиб ётган масжидларимизнинг эшиги очилди, ҳамма эркин намоз ўқиш, мусулмончилик фарзларини адо этиш бахтига муяссар бўлдилар. Бироқ ана шу эркинликлардан ўзларининг ғаразли ниятлари йўлида фойдаланишга уринаётган диний-экстремистик кайфиятдаги кишилар, террористик гуруҳларнинг бузғунчилик ҳаракатлари биз ички ишлар ходимларини, умуман мамлакатимиздаги барча фуқароларни ҳушёр бўлишга ундаяпти.

Мазкур шароитда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, ҳуқуқбузарликларнинг ва жиноятчиликнинг ҳар қандай кўринишларини олдини олиш ва уларга қарши курашиш энг асосий вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Буни инобатга олиб, Урганч шаҳар Ички ишлар бўлими ходимлари вилоят Ички ишлар бошқармаси ва шаҳар ҳокимлигининг яқиндан бераётган амалий ёрдамлари боис шаҳардаги ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан ҳамкорликда, кенг жамоатчиликнинг ёрдамига таянган ҳолда жиноятчиликни олдини олиш, унга қарши кураш ва жамоат тартибини мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида бир қатор ижобий ишларни амалга ошириб келмоқдалар.

Вилоят Ички ишлар бошқармаси, шаҳар ҳокимлиги ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан ҳамкорликда ўтказилаётган «Тозалаш», «Антитеррор», «Арсенал», «Қидирув», «Қора дори» ва шунга ўхшаш бошқа тадбирлар ўз самарасини бермоқда.

Шаҳардаги корхона ва ташкилотларда, маҳаллаларда, ўқув муассасаларида учрашувлар ва суҳбатлар мунтазам равишда ўтказилиб, аҳолини фикри, дунёқараши ўрганиб чиқилди. Бу борада оммавий ахборот воситаларидан кенг фойдаланилди.

Жиноятчиликни олдини олиш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашда, ўз-ўзини бошқариш идоралари, биринчи галда маҳаллаларнинг ролини янада оширишга алоҳида эътибор берилди, улар билан ўзаро ҳамкорлик яхшиланди. Маҳаллаларда тунги навбатчиликлар ташкил қилиниб, уларнинг ишига алоҳида эътибор қаратилди, маҳалла посбонлари томонидан олиб борилаётган ишлар ҳам ўзининг самарасини бермоқда. Бу саъй-ҳаракатларимиз туфайли ўтган йилнинг шу даврига нисбатан шаҳримиз ҳудудида умумий жиноятлар сони 9,3 фоизга, шу жумладан, жиноят қидирув бўлими соҳаси бўйича қайд қилинган жиноятлар 4,9 фоизга камайди. Жиноятларни ўз вақтида очилиши 95,7 фоиздан 96,3 фоизга яхшиланди.

Ҳозирги кунда профилактик ҳисобда турган муқаддам судланганлар билан жиддий шуғулланиб, уларни иш билан таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Муқаддам судланганларнинг деярли барчаси ижтимоий меҳнат билан шуғулланмоқда, уларнинг оилавий аҳволи, яшаш шароитлари доимий равишда назорат қилиб борилди.

Асосий эътибор милиция профилактик ҳисобида турган шахслар томонидан содир қилинаётган жиноятларни олдини олишга қаратилганлиги сабабли муқаддам судланганлар томонидан содир қилинган жиноятлар 10,6 фоизга, маст ҳолда содир қилинган жиноятлар 58 фоизга ва ишламай юрганлар томонидан содир қилинган жиноятлар 16,6 фоизга камайди.

Кейинги пайтларда гиёҳвандлик оқибатида оғир жиноятлар содир қилинмоқда, бу ажал уруғи қанчалаб инсонлар умрига зомин бўлиб, эртанги кун эгалари – ёшларни ўз исканжасига олмоқда. Бу аср вабосини кенг тарқалишини олдини олиш, гиёҳвандликка қарши курашиш мақсадида 179 та ҳолат юзасидан иш олиб борилиб, 24 килограммга яқин гиёҳванд моддалари тортиб олинди ва йўқ қилинди.

Қидирув соҳаси бўйича олиб борилган ишлар натижасида 40 та суд ва терговдан қочиб юрган жиноятчилар ушланиб қонуний жазосини олдилар, 13 та бедарак йўқолганлар аниқланиб ўз оилаларига қайтарилди.

Шахсий таркибнинг жисмоний ҳамда касбий маҳоратини ошириш, билим савиясини бойитиш мақсадида турли самарали машғулотлар ўтказилаётганлиги кундалик хизмат жараёнида ўз самарасини бермоқда.

Бекжон САФОЕВ,
Урганч шаҳар ИИБ бошлиғи, милиция подполковниги.

Саҳифа материалларини «Адолат»нинг махсус мухбирлари Эркин БОТИРОВ, Рустам АҲМАДАЛИЕВ, Тўхтамурод ТОШЕВ тайёрлади.

«АДОЛАТ» ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛСИН!

Унга ўз вақтида обуна бўлишни унутманг! Барча алоқа бўлимларида, газета дўконларида, «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компаниясининг жойлардаги бошқармаларида, бўлимларида газетага обуна қизғин давом этмоқда.

«Адолат»нинг нашр кўрсаткичи - 100. Йиллик баҳоси - 3016 сўм.

(Вилоятларда қисман фарқ қилади).

БИР ҲОВУЧ ОЛТИН

- Бировни ота-онаси ва зоти туфайли камситмангиз.
- Бегуноҳ кишиларни золим раҳбарларга чақиб сўзламангиз.
- Эр-хотинлар орасида сўз ташиб ўрталарини бузмангиз.
- Озиқ-овқат каби халқнинг зарур маҳсулотларини арзон вақтда олиб қўйиб, халққа яна қиммат пайтида сотмангиз.
- Ҳеч бир молни тегишли баҳосига қараганда икки баробар қимматига сотмангиз.
- Сотаётган молингизнинг айбларини олувчига айтмай алдаб сотмангиз.
- Бировни алдаб нотўғри йўлга йўллаб адаштирмангиз.
- Алдаш нияти билан бировга нотўғри маслаҳат бермангиз.
- Йўлни қазиб ёки сув қўйиб йўловчиларга азият етказмангиз.
- Фақир кишиларни фақирликлари учун хўрламангиз.
- Ҳеч бир кишини алдаб гапиртириб сирини билиб олишга ҳаракат қилмангиз.

«Шаърий ҳукмлар» тўпламидан.

Газетхон илҳоми

АҲИЛ – ИНОҚ ЭЛ САБАБ

Булбул хонишига турли чирой очган гул сабаб,
Менда илҳом қайнашига богдаги булбул сабаб.

Боят узоқ бўлса ҳамки севгилимнинг ошёни,
Бир тундаёқ етишимга учқур от – дулдул сабаб.

Мўл-кўл ҳосил олишимга ҳар йили ўз еримдан,
Эй дўстларим, яхши меҳнат ҳамда кетмон, бел сабаб.

Аъло ҳулқ ва ширин тилдан ҳурмат топар ҳар инсон,
Эътибордан қолишликка қўпол, аччиқ тил сабаб.

Тез-тез хабар олинмаса қариндошлар узилар,
Айрилмасдан яшашликка кўплаб борди-келди сабаб.

Низо–уруш бўлган жойда вайрон бўлар мамлакат,
Тўра, ватан яшнашига аҳил-иноқ эл сабаб.

ЯНГИЧА

Мустақилликка етиб баҳоримиз янгича,
Экинзору боғ-бўстонимиз янгича.

Ҳар кимнинг талантига, касбига йўл очилди,
Чунки барча фармону қароримиз янгича.

Пахта, чорва ғалламиз ўз эгасин топгандир,
Шул сабабдан ғурур ҳам виқоримиз янгича.

Чин меҳрибон дўстларни танлаб топдик ўзимиз,
Энди ишдаги услуб, шиоримиз янгича.

Чирой очди тобора шаҳар, қишлоқ, далалар,
Бўлди чиндан эй Тўра, диёримиз янгича.

Тўра ЖУМАН.

Бугунги Тошкент. «Ўзсавдомарказ» мажмуи.

Йўл қоидаси — умр фойдаси

ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ, ТРАКТОР!

Шу йил 14 ноябрь куни тахминан соат 14 дан 30 дақиқа ўтганда 1943 йилда туғилган, Навоий туманидаги «Нарпай» ширкат хўжалигида яшовчи, Навоий тоғ-металлургия комбинати тракторчиси Ўткир Жалилов ўзига бириктирилган «МТЗ-80» русумли 35 59 ЧЗ давлат рақам белгили тракторини Навоий шаҳрининг Навоий кўчаси бўйлаб бошқараётиб, қурилиш коллежи рўпарасида пиёда, 1981 йилда туғилган, шу коллеж ўқувчиси Каримбек Аҳмедовни уриб юборган.

Жабрланувчи касалхонада вафот этган.

Афсуски, навбатдаги иш куним ана шу мудҳиш фалокат тафсилоти билан танишишдан бошланди.

Дилим ғаш тортди, гўёки кеч кузнинг тунд осмони янглиғ. Яна бир юртдошимизни – эндигина муйлаби майса бўлган, орзу-умидлари юрагида оппоқ кабутардек потирлаб турган йигитчани бой бердик. Бу айрилиқ биринчиси эмас. Надоматлар бўлсинки, бундайин кулфатлар ҳақидаги совуқ хабарлар кунда-кунора қулоққа чалиняпти. Биз эса оҳ бечора, деган ички нидо билан маълум дақиқа андармон бўламиз, кейин эса ҳеч қачон тугамайдиган кундалик ташвишлар қаърига шўнғиймиз. Эртага эса яна шу ҳол такрорланаверади. Ҳар шохга ўт тушса, ўзи ёниб, ўзи ўчаверади.

Тўғри, ҳеч ким қасддан автофалокат содир этмайди. Жумладан, юқоридаги автофалокат иштирокчиси бўлмиш Ўткир Жалиловнинг ғам тўла юрагини афсус-надоматнинг темир тирноқлари яна тилка-тилка қилаётганига шубҳам йўқ. Фалокат оёқ остида. Лекин бу гаплар сизу бизнинг маълум маъновдаги бепарволигимизни оқлашга асос эмас.

Ҳеч кимга сир бўлмаган ички туйғуларингни дастурхон қилишдан, сафсата сотишдан муддаойинг нима, деб сўрарсиз? Лўнда жавоби қуйидагича: ноғаҳон туғишганидан жудо бўлган аламзадалар қобиғига лоақал бир марта хаёлан кириб кўришимиз, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш йўлида барчамиз бирдай қайғуришимиз ва курашишимиз керак.

Рад этмайман, бу борада қўл қовуштириб ўтирилгани йўқ. Лекин, назаримда, кўпчилик йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш фақатгина Давлат автомобиль назорати ходимларининг вазифаси, деб тушунади. Дейликки, айрим хўжаликларнинг, корхонаю ташкилотларнинг раҳбарлари ўз жамоасининг манфаатини ҳамма нарсадан, ҳаттоки ҳаракатланиш хавфсизлиги шартларидан ҳам устун қўйишади.

Бу эътирозларни пахта йиғим-терими муносабати билан Самарқанд вилоятида юрганимда кўрган-кечирганларимга асосланиб айтяпман. Шу ўринда битта мисол: вилоятда яхши тажрибага қўл урилди. Тасаввур қилинг, тун пайти йўлда машина бошқариб кетяпсиз. Агар кўча ёритилмаган бўлса, олдинда ҳаракатланаётган тракторни орқасида нур қайтарувчи чироқлари йўқ. Ана шу тахлит юз берадиган автофалокатларнинг олдини олиш мақсадида вилоятдаги барча трактор тиркамалари ортига, хоҳ у давлатники бўлсин, хоҳ хусусий, нур қайтарувчи бўёқлардан қалин чизиқлар тортилди.

Юз фойиз ишонч билан айтаманки, кенг кўламли бу ишлар асосан ДАН ходимларининг саъй-ҳаракатлари туфайлигина тўлиқ уддаланди. Хўжаликлар раҳбарларининг бу борадаги ташаббуслари деярли сезилмади.

Ҳамон эсимдан чиқмайди. 29 сентябрь куни эди. Жомбой туманининг ички йўлида балонлари тарам-тарам ёрилиб кетган «Т-28Х4» русумли тракторни тўхтатдик. Тиркамасида олтмиш-етмиш ёшлардаги отахону онахонлар – роппа-роса 26 киши. Тракторчи ўзини Азамат Нуралиев деб таништирди, аммо на шахсини тасдиқловчи, на трактор бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларини кўрсатолмади. Ғаллаорол туманидан, яна ҳам аниқроғи «Пичоқчи» ширкат хўжалигининг Наҳирот қишлоғидан таъзияга келишаётганини айтди, холос.

Ўша ердаёқ кўплари неварали бўлган, соч-соқоли оқариб, қадди букилган бу отахону онахонларни Яратганнинг ўзи асрабди, деган бир хаёл шууримдан ўтди. Ахир бир неча ўнлаб чақирим масофадан тоғлар оша техник жиҳатдан носоз, давлат рақам белгиси бўлмаган, боз устига ҳайдовчилик гувоҳномаси йўқ одам бошқарувидаги трактор тиркамасида келишнинг ўзи бўладими?

Энди ўзингиз мулоҳаза қилиб кўринг: ўзини Азамат Нуралиев деб таништирган тракторчи ҳайдовчилик гувоҳномасисиз йўлларда ҳаракатланиш мутлақо ман этилишидан бехабарми? Ёки трактор тиркамасига 26 кишини ўтқизиб олиб ҳаракатланиш – шунча одамнинг тақдирини хавф остига қўйиш эканлигини тушунмайдими?

Қолаверса, Пичоқчи ширкат хўжалиги раҳбари, бош муҳандиси, қолаверса трактор саройи мудирининг боқибеғамлиги ҳам бизни лол қолдиради. Шунча одамни носоз трактор тиркамасига чиқариб, ҳалокат билан ёнма-ён йўлдан жўнатишга қандай журъат этишган – ҳанузгача ўйлаб-ўйимга етолмайман. Тоғлар оша кетаётганда, тракторнинг балони бутунлай ёрилиб кетса ёхуд тиркамани трактор билан боғлаб турган мослама чиқиб кетса, 26 нафар одамнинг ҳалок бўлиши ёки жароҳат олиши мумкинлигини нимага ўйлашмади? Уларни ҳам йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишга ҳаракат қилишяпти, дейиш ғоят кулгили бўлмадими?

Пахта – миллий бойлигимиз. Турмушимиз фаровонлиги кўп жиҳатдан шунга боғлиқ. Аммо эрта баҳордан бошлаб ер билан тиллашган, пешонасидан реза-реза тер тўкиб, хирмон яратган пахтакорларнинг, худди шунингдек, пахтани териб олишда баҳоли қудрат ёрдам бераётган ҳашарчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш муҳим.

Аммо, аччиқ бўлса ҳам ҳақиқатни айтган маъқул, айрим хўжаликлар раҳбарлари рисоладагидай иш тутишмади. Йиғим-теримни рўкач қилиб, қўл остидаги ёхуд ҳашарчилар ҳаётини билиб туриб хавф остига қўйган ҳолатларга ҳам дуч келдик.

31 октябрь куни Ғузалкент туманининг ички йўлида «Меҳнатобод» ширкат хўжалиги тасарруфидаги Бакир Жўраев бошқарувидаги «Т-28 Х4» русумли 34 42 СЖ давлат рақам белгили тракторни тўхтатишга мажбур бўлдик.

Ҳеч қанақа ҳужжати бўлмаган тракторчи бошқарувидаги уч ғилдиракли техник носоз трактор тиркамасида шу тумандаги 65-ўрта мактабнинг 25 нафар ўқувчиси, ўқитувчи Қозоқбой Юсупов, бригада бошлиғи Салим Жўраев – жаъми 27 нафар одам бор эди.

Трактор ҳайдовчисидан нега ҳайдовчилик гувоҳномасисиз рул бошқардингиз, деб сўрадик.

– Икки марта одам ташиш қоидасини бузганим учун ДАН ходимлари маъмурий баённома тузиб, аввал ҳайдовчилик гувоҳномамни, кейин огоҳлантириш талонимни олиб қўйишган, – дейди Бакир Жўраев.

– Кўр ҳассасини бир марта йўқотади, нега сиз учинчи марта яна шу қоидабузарликни такрорлаяпсиз, ёки кўза кунда эмас, кунида синишини, бирор кор-ҳол юз беришини кутяпсизми?

– Раис мажбур қиляпти, ака!..

Буниси ҳам ҳолва экан. Орадан ярим соатлар чамаси вақт ўтгач, Абдураим Мирзаёров бошқарувидаги «Т-40» русумли 3470 СЖ давлат рақам белгили трактор келиб қолди. Уни ҳам тўхтатиб, 62-ўрта мактабнинг тиркамада ўтириб келаётган ўқувчиларини бирмабир санадик: 40 нафар қиз ва 20 нафар ўғил бола. Энди уларга ўқитувчилар Нурилла Турниёзов, Илҳом Тошпўлатовни, яна бригада бошлиғи Шароф Мирзаёровларни қўшадиган бўлсак, тиркамадаги йўловчилар сони роппароса 63 кишини ташкил этади!

– Сизлар олий маълумотли ўқитувчисизлар, демак, тиркамада одам ташиш маъно этилганлигини яхши биласизлар. Қолаверса, мана шу болаларнинг ҳар бири учун жавобгарсизлар. Нега бундай қалтис қоидабузарликка йўл қўйдингизлар? – дея Нурилла Турниёзов ҳамда Илҳом Тошпўлатовларга мурожаат қилдик.

Аммо улардан садо чиқмади. Кейинги аччиқ эътирозимиз тракторчига қаратилди:

– Буни нима деб баҳолаш мумкин? Пахта йиғим-терими долзарблигини баҳона қилиб, қуюшқонга сиғмайдиган ишларга қўл уриш виждонсизлик эмасми?

Сезиб турибман, гапларим Абдураим Мирзаёровнинг асаб торларини чертмай ўтмайди.

– Иложсизман, ака, раиснинг буйруғи бу! – деди норози оҳангда.

Шундан кейин хўжалик раҳбари Абдухалил Умбаровни, хўжалик бош муҳандисию трактор саройи мудирини қидириб топдик. Минг афсуски, улардан бирортаси ҳам жўялироқ важ кўрсатишолмади, аксинча, бу гапни ҳеч қаерга чиқармаслигимизни, ёпиғлик қозон ёпиғлигича қолишини қайта-қайта илтимос қилишди.

Менимча, уларнинг 63 нафар одам ҳаётини хавф остига қолдириб, таваккал қилишларига сабаб пахта йиғим-терининг долзарблигини юракдан ҳис қилишлари эмас, балки пахта терининг сусайиб кетиши оқибатида эгаллаб турган лавозимларидан ажралиб қолиш билан боғлиқ қўрқувдир.

Яна айтингчи, ўзини раҳбар қилиб сайлаган ва ўзига ишонган халқ хавфсизлигини таъминлаш ўрнига қалб амрига зид иш тутиб, амал курсисини маҳкам қучоқлаб олган Абдухалил Умбаровни, яна хўжалик бош муҳандисию трактор саройи мудирларини, хўжалик раҳбари билан терс бўлиб қолишдан чўчиб, унинг нотўғри ва оқибати хунук бўлиши мумкин бўлган буйруғини рад этишга журъати етмаган бояги ўқитувчиларни автофалокат юз беришига қарши юракдан курашувчилар тоифасига қўшсак, инсофдан бўлармикан?

Қуш уясида кўрганини қилади. Раҳбарнинг савияси шундоқ бўлгач, унинг қўлостида ишлайдиган айрим кишиларга худо берди, деяверинг.

28 сентябрь куни Иштихон туманидаги Азамат ширкат хўжалиги ҳудудида уч ғилдиракли «Т 28 Х 4» русумли тракторни кабинасида ҳайдовчидан ташқари яна икки йўловчи борлиги учун тўхтатдик.

Рулни бошқариб келаётган одам ўзини трактор саройи механиги Исроил Ҳотамов деб таништирди, аммо ҳайдовчилик гувоҳномасини кўрсатолмади. Маълум бўлишича, бу трактор бутунлай бошқа одамга бириктирилган экан. Энг ёмони – механик Исроил Ҳотамовнинг оғзидан спиртли ичимликнинг бадбўй ҳиди уфуриб турарди.

Хўжаликларнинг ички йўлларида ҳаракатланаётган ҳар ўнта трактор ҳайдовчисининг тўққиз нафари ҳайдовчилик гувоҳномасини сўрасангиз, ўйда қолибди, деб жавоб қайтаради. Уларга маъмурий баённома тузиб, тракторларни жарима майдонига олиб бораман, десангиз, камида икки соат вақтингиз кетади.

Шундай бўлсада, вилоят миқёсида бир неча минглаб трактор ҳайдовчилари, кўплаб мансабдор шахслар содир этилган қоидабузарлик учун маъмурий жавобгарликка тортилдилар.

Етиштирилган ҳосил йиғиштириб олинди – борига барака! Йиғим-терим мавсуми ортда қолди. Айрим ўқувчилар ана шуни назарда тутиб, тўйдан кейин ноғора қоқишга не ҳожат, деб ғижинарлар эҳтимол.

Айтиб қўя қолай: косанинг тагида нимкоса бор. Йиғим-терим тугагани билан далада иш тўхтагани йўқ. Ҳалиҳануз ҳеч қандай ҳужжати бўлмагани ҳолда трактор рулини бошқариш, жиҳозланмаган транспорт воситаларида, хусусан трактор тиркамаларида одам ташиш ҳоллари давом этяпти. Шундай экан, мавжуд муаммолар ҳали-бери долзарблигию ўткирлигини йўқотмайди.

Бу муаммоларни ижобий ҳал этиш борасида таклифларимиз бор.

Қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган транспорт воситаларини ва механизмларини техник кўрикдан ўтказувчи, трактор ҳайдовчиларини тайёрловчи ва уларга ҳайдовчилик гувоҳномаси берувчи ташкилот бор. Аслида зиммасига юкланган масъулият жиҳатидан Давлат автомобиль назоратидан қолишмайди. У республика қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги қошидаги Давлат техника назорати бошқармаси.

Вазифалар кўлами кенг бўлсада, амалда бу ташкилот фаолияти ислоҳотга муҳтож. Ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлашда таъсири унчалик сезилмайди.

Давлат техника назорати бўлгандан кейин ҳайдовчилар тайёрлашга ҳам, уларнинг малакасини оширишга ҳам, транспорт воситаларининг белгиланган жойларда сақланишига ҳам, йўлдаги ва трактор саройларидаги интизомга ҳам, ва ниҳоят транспорт воситасининг техник ҳолатига ҳам бирдек аҳамият берсинда!

Қолаверса, хўжаликлар, корхона ва ташкилотлар, муассасалар, раҳбарлари дўппини бошдан олиб, ўйлаб кўришлари керак. Қаловини топса қор ёнаркан. Нима учун автокорхоналардаги каби интизомни трактор саройларида ўрнатиш мумкин эмас?

Трактор ҳайдовчиси ишдан кейин тракторини уйига эмас, саройга келтириб қўйса, эрталаб саройдан далага ҳайдаб кетса бўлмайдими?

Ана шунда трактор ҳайдовчисининг спиртли ичимлик ичган-ичмаганлигини, рулни бошқаришга лаёқати борйўқлигини текширишга имкон яратилади.

Энг муҳими – трактор ҳайдовчиси ҳам, хўжалик ёки корхона, ташкилот раҳбари ҳам, Давлат техника назорати вакили ҳам йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлашни фақат ДАННинг вазифаси деб тушунмаслиги, балки бевосита ўзининг ҳам бурчи деб билмоғи керак. Шундагина тракторлар билан боғлиқ кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олишда кенг имкониятлар яратилади, ён-атрофимиздаги хонадонлардан оҳ-фарёд эмас, шўх кулгулар эшитилади.

Раҳмонали ҚОСИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ ДАН Бош бошқармаси катта инспектори, милиция майори.

Табиат жумбоғи

«ТИТАНИК» ҲАЛОКАТИНИНГ СИРИ

1912 йилнинг апрель ойида чўкиб кетган «Титаник» фожиаси ҳақида эшитмаган одам бўлмаса керак. У барча инженерлик соҳа мутахассислари иштирокида яратилган мукаммал лойиҳа асосида қурилганлиги учун кема ҳар қандай ҳолатда ҳам шикастланмайди, чўкмайди, деб таърифланган эди. Яъни агар кема яқинига улкан бомба тушганда ҳам у ҳеч қачон иккига бўлинмай, ё ёнбошлаб, ёки олди-орқа томонига қийшайиб оғиши (крен бериши) мумкин. Лекин амалда айсберг (баҳайбат муз бўлаги) билан тўқнашувда иккига бўлиниб кетиб, 2000 йўловчи ҳалок бўлди.

Бу фалокатдан аввал кеманинг тажрибали, машҳур капитани Эдвард Смит нимадандир безовта бўлиб, ўзи билмаган ҳолда кема курсини – йўналишини ўзгартириб, тезликни оширган. Бундан ташқари ҳалокат содир бўлгандан кейин тезлик билан «SOS» (сувдаги халқаро қутқариш) командасини ҳам кеч берган. Ва шу тариқа кўпчилик йўловчиларнинг чўкиб кетишига сабаб бўлган. Капитан Смит билан нимага шундай воқеа юз берди, нега у ақлини ўзи билмаган ҳолда йўқотиб, ўзини бошқара олмади, деган саволга машҳур немис тадқиқотчи олими Ф. Вандерберг ўзининг «Фиръавнлар қарғиши» китобида ўзига хос аниқ далилий шарҳ беради: «Капитан Смит кемада олиб кетилаётган жуда ҳам яхши сақланган фиръавн Аменхотеп IV нинг мўмиёланган жасадини безовта қилиб, жасадни сақлаётган сехрли туморларга қараган. Бу эса унинг ақлини шоширган бўлиши мумкин». Дарҳақиқат, кема капитани кўприкчаси ёнида ёғоч яшик ичида мўмиёланган жасад америкаликларга кўрсатиш учун олиб кетилаётган эди. Бу жасад аввал Мисрдаги Шоҳлар водийсидаги мақбараларнинг биридан чиқарилиб, Англияга олиб келинган. Жасадни илоҳий туморлар доимо қўриқлаб, жасад бош томонида худо Осирис тасвири туширилган тошга: ҳушсиз ётган ҳалотингдан уйғонгил, сенинг кўзингни бир қараши сенга уюштирилган барча макр, ҳийлалар устидан, албатта, тантана қилади» деган ёзув бор эди. Жасад кўзида сехрланган ўта чақнаб турувчи, ёруғлик сочадиган, илоҳий муқаддас қимматбаҳо тош бўлиб, бу жасад лорд Контервилга тегишли эди. Кўпчилик шу ҳолатни текширган мутахассисларнинг фикрича, «Титаник» кемаси ҳалокатига руҳларнинг, илоҳий кучларнинг қарғиши сабабдир, деган хулоса келиб чиққан. Яна бир далилий фактга мурожаат қиламиз.

1922 йилнинг кузида Англиянинг машҳур археолог олими Говард Картер Мисрнинг Шоҳлар водийсидан фиръавн Тутанхамон мақбарасини топди. 1923 йилнинг 17 февралида Картер ва уни маблағ билан таъминлаб турган лорд Карнавон ҳамда бир неча бошқа таклиф қилинган олимлар мақбарага кирдилар. Саркофаг (тошдан қилинган тобут)дан ташқари бу ерда кўплаб қимматбаҳо турли нодир буюмлар ва бошқа антик предметлар бор эди. Бу ҳали ҳеч ким очиб кўрмаган мақбара эди. Олти ҳафтадан кейин 57 ёшлик соғлом лорд Карнавон Қоҳиранинг «Континентал» меҳмонхонасида номаълум сабабларга кўра тўсатдан вафот эди. Бир йил ичида Тутанхамон мақбараси ичида бўлган яна олти киши оламдан тўсатдан кўз юмди.

Журналистларнинг ахборотига қараганда, лорд ўлган пайтдан бошлаб, Қоҳира шаҳарида бир неча кун электр энергияси бўлмаган. Тутанхамон саркофаги бош қисмидаги лойдан ясалган тахтачага шундай ёзувлар ёзилган эди: «Кимки фиръавн тинчлигини бузса, уни, албатта, ўлим қанотлари ҳалок этади».

Биз эса «Титаник»ка қайтамиз. Ким билади, агар капитан Смит мўмиёланган сирли жасадни кемага олиб чиқишларига ижозат бермаганида ҳалокат юз бермасмиди?

Илҳом ШЕРМУҲАММАД.

Спорт

УСТОЗ ТУРНИРИДА ШОГИРДЛАР БЕЛЛАШУВИ

От спорти Республика Олий маҳорат мактаби спорт мажмуида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий, халқаро тоифадаги спорт устаси Мамажон Исмоилов хотирасига бағишланган 7-чи анъанавий турнир қизғин паллада давом этаётир. Ушбу мусобақада мамлакатимиз терма жамоаси аъзолари, Тошкент вилояти чавандозлари, хусусий чавандозлик мактаблари тарбияланувчилари ҳамда майдон эгаларидан иборат 50 нафардан ортиқ спортчилар от йўрттириш ва тўсиқлардан сакраш бўйича ғолиблик учун курашмоқдалар.

От спорти тарихида муносиб из қолдирган Мамажон Исмоилов ўз ҳаётидаги 40 йиллик фаолиятини ушбу спорт турига бахшида этган. 1956 йилдан бошлаб йирик мусобақаларда бўй кўрсатган чавандоз одамлар орасида «от устида туғилган» лақаби билан машҳур бўлган. У 1992 йилгача бўлган фаолияти давомида от спортининг энг мураккаб тури – учкураш баҳсларида кўп карра собиқ Иттифоқ чемпиони, 1952 йилги Мюнхен Олимпиадаси иштирокчиси, етти марта Бутунжаҳон халқлари спартакиадасида қатнашиб, шунинг иккитасида ғолибликни қўлга киритган. 1992 йилда Голландияда ўтказилган фахрий чавандозлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида М. Исмоилов совриндор бўлади. Айни чоғда унинг шогирдлари турли мусобақаларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиш билан бирга барча вилоятларимизда ёш чавандозларга сабоқ бераётирлар. Равшан Саъдуллаев, Искандар Йўлдошев, Иброҳим Йўлдошев, Санжар Турсунов каби ўнлаб моҳир чавандозлар устози босиб ўтган йўлни давом эттирмоқдалар.

Беллашувларни кузатиб бораётган мутахассис Жўрақузи Турдиматовнинг эътирофича, мазкур хотира турнири тажрибали чавандозлар қатори майдонга тушаётган ёш спортчиларнинг маҳорати ошиши ва тобланишида ўзи хос ҳисса қўшиб келяпти.

Мусобақанинг ғолиб ва совриндорлари 26 ноябр куни ўтказиладиган якуний беллашувда аниқланади.

«Туркистон-пресс»

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

Узбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Тошкент вилоят Кенгаши ва вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси Қуйи Чирчиқ тумани партия Кенгашининг биринчи котиби, А. Навоий номли ҳалқ корпорацияси раиси Турсунхўжа Искандаровга рафиқаси

Гульзина Усмоновна ИСКАНДАРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

АДОЛАТ

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши ва «Адолат» газетаси ижодий жамоаси.

Бош муҳаррир: Тўхтамурод ТОШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Т.О.ДАМИНОВ, А. F. ҒУЛОММАҲМУДОВ, А. ЖЎРАБОЕВ, Р. З. АҲМАДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Р. Р. ХАЙДАРОВ, К. РИХСИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Д. К. ҚИРҒИЗБОЕВ (Бўлим мудири), Р. М. АЗИМОВ, Т. И. ЭРГАШЕВ, М. КАЛОНХОНОВ (Бўлим мудири), А. МАМАЖОНОВ, Ў.Ф. ЖЎРАЕВ, Н. НУРМАТОВ.

Мулоқот учун телефонлар:
Қабулхона – 133-41-89.
Хатлар ва шикоятлар бўлими – 136-55-64.
Ижтимоий адолат ва ҳуқуқ бўлими–136-55-96.

Навбатчи – Саъдиддин САЙДИСЛОМОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 140. Буюртма Г— 1036, ҳажми—2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2 Газета IBM компьютерида терилди.

Мақолада келтирилган факт ва рақамлар учун фақат муаллифлар жавоб берадилар. Қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти—20.00. Босишга топширилди 20.00.

МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси-32.